

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 8-may №19 (4314)


ТАРИХ ОГОҲ ЭТАДИ

Йиллар, балки асрлар ўтади, бу ёвуз, бу бе-шафқат уруш халқимизнинг тарихий хотира-сида абадий сақланади. Нега деганда, юрти-мизда биронта оила йўқки, уни бу даҳшатли қирғин четлаб ўтган бўлса.


Ақли расо ҳар қайси одам тарихдан сабоқ чиқариб, тинчликнинг қадри, урушнинг ҳало-катли оқибатлари ҳақида чуқур ўйлаб, бугун пайдо бўлаётган ҳар хил хавф-хатарларнинг қандайдир чорасини кўриш, мана шундай азоб-ларни кўрмаган, билмаган болаларимизга шун-дай кайфиятни синдиришга ҳаракат қилади.

Тарих ўргатади, тарих огоҳ этади. Айни пайт-да тарих бизга тўғри йўлни танилашда маслаҳат беради. Бундан олдинги замонларда қандай воқеалар бўлганини, улардан қандай хулоса-лар чиқариб, қайси хатоларни такрорламаслик кераклигини, қайси йўлдан олдинга бориш ло-зимлигини ким ўргатади? Албатта, тарих ўрга-тади. Дунёда бундай ўткир ва таъсирчан бош-қа бирон куч борми? Менимча, йўқ.

Ислом КАРИМОВ,
“Ўзбек халқига тинчлик ва
омонлик керак” асаридан



Сарвар МАМБЕТОВ олган суратлар



BAITU SABOTI UCHUN HARTIM QOROSHI QILGAN QATNOLMAY...
BENIYKOV, O'ZALIMIN... QILG'IN VA QOROSHI O' QILGANI...

ҚАДРЛИ ВА ЭЪЗОЗЛИ ЙИЛЛАР

Ўн олти йилдирки, юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни юксак даражада нишонланади: ўтганларни ёд этиб, ёши улугларимиз ҳолидан хабар оламиз, бугунги тинч-хотиржам ҳаётимиз учун шукрона келтирамиз. Донишманд болаларимиз ва меҳрибон момоларимизнинг бебаҳо суҳбатларидан баҳраманд бўламиз.

Менга халқимиз бу айёми минг йил-лардан буён ўтказаятгандай туюлади. Аслида ҳам, мамлакатимиз мустақилли-ги туфайли миллий анъаналаримизга, ўзлгимизга қайтиб таъсис этилган бу куннинг сири асрий қадриятларимиз асосига қурилганлигидир. Шунинг учун бу байрамнинг тарихи олис-олис замонларга бориб боғланади. Буюк хал-қимизнинг хотиралари муқаддас, жасо-ратлари унутилмас, алломалари улуг, тарих зулматини ёритувчи нурафшон йўллари донгли.

Ватанга жон фидо этган Алпомиш орзуси, Соҳибқирон Амир Темури ибрати, Ҳазрат Заҳриддин Муҳаммад Бо-бур соғинчи, Фарғонийлар, Бухорийлар, Хоразмийлар, Термизийлар, Самарқан-дийлар... каби юзлаб буюк алломла-римизнинг бетимсол фаолияти, инсо-ният тамаддунига қўшган муносиб ҳис-салари бутун бутун дунёда бор бўй-бас-ти билан эътироф этилмоқда. Халқи-

миз тарихининг ёрқин саҳифаларини дунё хотирламоқда ва қадрламоқда. Қадимий Буюк Ипак йўлига қаровлар қайтмоқда. Йилдан йилга буюк болла-римизнинг нури қиёфалари равшан-лашиб, қадимий зиёратгоҳларимиз обод, кўҳна шаҳарларимиз гавжум бўлиб бормоқда. Албатта, миллат қад-дини тиклаб, номини улуглаётган бу ишларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, Истиқлол боис тикланган азалий қадриятларимиз, анъаналари-миз мўъжизасидир. Ўтаётган кунларги-на эмас, балки йилларимиз эъозли ва қадридир. Ватан тарихининг унутил-мас саҳифалари битилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидай, “Тари-хий хотирасиз келажақ йўқ”.

Ватанимиз озодлиги йўлида жон тик-кан минглаб ота-болаларимиз жасора-ти абадийлаштирилди. Айниқса, Иккин-чи жаҳон урушида ҳалок бўлган ярим миллионга яқин болаларимизнинг ном-

лари юртимиз пойтахтида, мамлақати-миз бош майдонида бунёд этилган Хо-тира хиёбонидаги тарих китобларига зарҳал ёзувлар билан битилди. Бу май-дон эса, дунё турғунча, шу халқ, шу Ва-тан бор экан — туражақ.

Ўтаётган йилимизнинг номланиши ҳам бу азиз айёмга муштарак. “Кекса-ларни эъозлаш йили”да ёши улугла-римизга, Иккинчи жаҳон урушида қат-нашган фахрийларимизга муҳтарам Президентимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида ҳурмат-эътиромга ҳар бир юртдошимиз гу-воҳдир. Ҳеч бир элда учрамайдиган, ум-рининг сўнги дамигача фарзанд, на-биралар иқболини ўйлагувчи ота-она-ларимиз ибрати ҳам аслида фидойи-лик, жасоратдир. Уларнинг ҳаёт йўли келажагимизни ёритиб турибди. Шу ту-файли катталарга ҳурмат-эътиром кўрсатиш халқимизда азалий анъана, ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, миллий тикланиш жара-тиларининг асоси, шубҳасиз, бебаҳо тинчлигимиз, эл-юртиимизнинг хотир-жамлиги, эртанги кунга ишончидир.

Ифтихор

Пойтахтимизда, шунингдек, барча ви-лоятлар марказларида бунёд этилган Хотира хиёбони, “Мотамсаро Она” ҳай-кали бизни бугунги тинчлигимиз қад-рига етишга даъват этиб турибди. Тинчлик боис фарзандларимиз бар-камол авлод бўлиб улғаймоқдалар. Шаҳарларимиз обод, боғларимиз тўкин, далаларимиз файзиёб, ниятла-римиз улуг, оиламизда барақа, хотир-жамлик... Кўнгилларга фараҳ бағиш-ловчи бундай мисолларни истаганча давом эттириш мумкин. Тинчлик — бе-баҳо неъмат эканлигини ўтган йиллар ҳам, дунёнинг айрим мам-лакатларида содир бўлаёт-ган нохуш воқеалар ҳам кўрсатиб турибди.

Хотира ва қадрлаш куни беҳиётёр тарих манзаралари кўз олдимиздан ўта-веради. Шундай лаҳзаларда барчамиз-га ризқ-рўз бергувчи она тупроғимиз қанчалар муқаддас эканлигини ҳис эта-сиз. Кўнгилда ўтмишимизни ўрганиш, буюк болалар йўлини давом эттириш, кундан кун гуллаб-яшнаётган Ватан та-раққийоти имкон қадар қизмат қилиш ва бундан фахрланиш истаги уйғона-ди. Бу — тарих сабоқларидир. Элу юрт-дан ифтихор этиб яшамоқ эса — Бурч ва Садоқатдир.

Ҳумоюн АКБАРОВ

ЎГЛИМ, СИРА БЎЛМАЙДИ УРУШ

Тулишарми ўлкада баҳор,
Кўён кезар осмон кўкисда.
Қалдирғочлар қанотми қоқар,
Ундан соя лаби устида.
Мана, ўғлим лаби устида
Қалдирғочнинг майин қаноти.
Ўспириним тоза кўкисда,
Қунда ошар янги ҳис тоти.
Бўён ошиб кетди бўйимдан,
Боса олар кўкисга бошим.
Севгим қуриб берган уйимда,
Ўсди менинг катта йўлдошим.
Юрак тўла шодлик, меҳр, бахт,
Унинг кўзларига боқаман.
Нигоҳидай тиниқ ва ёрқин
Ору тўлқинида оқаман.
Орзулари қалбимга зийнат,
Ҳаётидир кўзим қораси.
Ўқинаман, баъзида фақат,
Ёнида йўқ унинг отаси.
Уруш! Номинг ўчин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам.

Ота бўлиб солдим мен йўлга,
Она бўлиб меҳримга олдим.
Мана, юртга ўғил ўстирган
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.
Мен онаман, менинг юрагим
Фарзандларим қувончига кон.
Дил орзиқар, баъзан тилагим
Ваҳималар ўраган уюм.
Йўқ, урушнинг номи ҳам ўчин,
Менинг ўғлим керак ҳаётта.
Истамайман унинг дуллари
Қўнса лаби узра қанотта.
Бас, бас, эзгу оналар қалби,
Йшай олсин беҳавф, бахт билан.
Меҳнатимиз, газаб, севгимиз
Тинчлик дейди бутун халқ билан.
Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганимиз турмуш,
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

ЗУЛФИЯ,
Ўзбекистон халқ шoirи



БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

арқада бир оёқда турган лайлак, Ер шари узра парвоз айлаётган турналар сизга яна бир бор юртимиздаги тинчликка шукрона-лар келтиришингизни эслатиб тургандек. Зеро, лайлак эзгулик, тинчлик тимсоли. Ай-тишларича, лайлаклар уй қурган жойда қут-барақа, тинчлик-осойишталик ҳукм сурар-миш. Лайлак агар хавф-хатар сезмаса бир оёқда бемалол тураркан. Тик оёқда турган лайлак ва парвоз қилаётган турналар мо-нументи бизнинг истиқлолга эришганимиз-дан нишонча.

Ана, ҳамюртларимиз Хотира майдонидаги залворли хотира кит-обларининг саҳифаларидан яқинларини қидиришмоқда. “Мотамсаро она” ҳайка-ли пойига эса талабалар, ўқувчи-ёшлар гулдасталар қўйишмоқда...

Ҳа, хотира буюк ва шу билан бирга ноёб ҳазина. Хотиранинг маънавий қудрати, мўъжизавий кучи шундаки, у тафаккур ва идрок орқали ўтмишни англашга, уни ўрганишга, ижобий хулосалар орқали ўз тақдирини, келажагини яратишга имкон беради. Бутун дунё халқларининг эзгу ор-зуси, хоҳиш-иродаси битта: уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилмасин. Бундай истақ, бундай мақсад жаҳондаги

барча халқларнинг манфаатларига мос ке-лади. Чунки ҳеч бир халқ урушини, уруш ор-тидан келадиган, йилларга татийдиган ба-лою офатни хоҳламайди. Бизнинг халқи-мизга ҳам, аввало, тинчлик ва омонлик ке-рак. Кўпни кўрган халқимиз фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм сураётган давлатда, жамият-да фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш, орзу-мақсадларга етиш мумкинлигини жуда яқши англайди. Меҳнаткаш, феъли кенг, қадди буқилмас халқимиз бор-лиги учун Ўзбекистонимиз бугун-ги кунда равақ топмоқда, ҳар томонлама обод ва фаро-вон бўлиб бормоқда. Чунки ҳар бир мил-латни миллат сифатида ушлаб турадиган фазилатлари, қадриятлари бўлади. Халқи-мизда азал-азалдан ёши улугларга ало-ҳида эҳтиром кўрсатилади. Зеро, ҳаёт фал-сафасини теран англаган нуруний отахо-ну онахонларимиз ҳар бир ишда бизнинг биринчи устозларимиздир. Уларни эъоз-лаш, қадрлаш, меҳр-муҳаббат кўрсатиш эса ҳар биримиз учун фарз ва қарзидир.

Муносабат

Илхом ЮСУПОВ,
Оққўрғон “Агробизнес ва сервис”
қасб-хунар коллежи ўқитувчиси

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳар бир асарида бутун мах-луқотларнинг энг муҳтарам ҳисобланмиш инсон улуг-ланини кўрамиз. Масалан, “Лисон ут-тайр” дostonи муқаддима болларида шoir дунёнинг яратилиши билан боғлиқ қарашларини баён этиб, коинотнинг чексиз-лиги ҳақида тафаккурга чўмади, Яратганнинг бекиёс қуд-ратидан ҳайратланади, бутун оламнинг яратилишидан мақсад инсон эди, деган фикрни илгари суради:

**Офаринишди қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беъваз.**

Яъни Аллоҳ офариниш — бутун оламдан инсонни мақсад қилиб, уни шунча нар-са ичида ҳеч қандай эвазсиз халқ қилди — яратди.

Демак, ҳазрат Навоий учун инсоннинг қадри жуда юксак бўлган. Коинотнинг бунёд бўли-ши фақат Одам боласи туфайли экани ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ шoir наздида инсоннинг қадр-қим-мати бебаҳолигини англаб туради.

Яратган мукаррам қилиб қўйган одам ўз шаънига муносиб бўлиши ҳам лозим. Бунинг учун эса у гўзал ахлоқ билан шарафланиши керак. Гўзал ахлоқ билан инсон ўз тийнати, борлигини гўзаллаштирар экан, бу ўз-ўзидан унинг қадру қиммати янада ба-ланд бўлишига йўл очади. Демак, Алишер Навоий наздида инсоннинг қадри унинг ахлоқи ва камоло-ти билан белгиланар экан.

Навоийни ўрганиш

бағишлайди. Бу шуни кўрсатадики, шoir ўзидан аввал ўтган устозларига ҳам, ёнида мадад бўлиб турган дўсти ва устозига ҳам чин дилдан самимий эҳтиром кўрсат-ган. Саййид Ҳасан Ардашер, Абдурахмон Жомий ва Паҳ-лавон Муҳаммадга бағишлаб алоҳида-алоҳида рисола-лар ёзган. Бу асарларида дўстларининг инсоний фазил-латлари ҳақида сўзлаб, турли ҳаётий ва ибратли воқеа-ларни ҳам баён қилган, уларнинг ҳар бирини илиқ хо-тиралар билан ёдга олган. Қола-верса, шoir бу инсонларнинг қабр-ларини обод қилиб мақбаралар тиклатган, уларнинг руҳига бағиш-лаб Қуръон тиловат қилдирган, халққа эҳсон дастурхонини ёзган.

Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарининг сўнги бо-биди ҳазрат Навоийнинг вафоти билан боғлиқ воқеа-ларни қаламга олади. У шoir вафот этганда бутун мамлакат мотам тутгани ҳақида гапириб, азахонада султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи уч кун давомида ўтир-ганини қайд этади. Шунингдек, шoir руҳини шод қилиш мақсадида минглаб етим-есирларга эҳсон дас-турхонлари ёзилган, ҳади сифатида кийим-кечак ва егуликлар улашилган. Бу, аввало, шoirнинг мамла-катдаги улкан обрўси ва мавқидан дарак берса, иккинчидан, ҳаётлик чоғида одамлар қадрини юксак даражада сақлаган ва марҳумлар хотирасини улуг-лаган инсонга насиб этган ўзига хос муқофотнинг намоиши ҳам эди.

Дилнавоз ЮСУПОВА,
филология фанлари номзоди

ИНСОННИ ШАРАФЛАБ...

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**ВАТАН — ИМОНИНГДА,
МЕҲРИ — ЖОНИНГДА**

Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган
ўзбек ўғлонлари хотирасига

Исминг нима эди, эй азиз ўғлон?
Балки суюқ Абурайҳондир?
Балки Йўлдош, балки Машраб ё Султон...
Бари жаҳон ичра ниҳондир.
Шавкатли, шарафли Тошкент — пойтахт
Қаламинга интизор ҳануз.
Онадек авайлаб, сени билиб бахт,
Дийдорингга зордир, зор ҳануз.

Қалбида севгининг наъшасин суриб,
Ҳаёлида суйиб-суймаган.
Сени муюлинида ногаҳон кўриб,
Қарагану тўйиб-тўймаган...
Оҳ! Уруш бошлади! Тигради жаҳон!
Оромини йўқотди ўлка!
Ўзбек боғларига эсиб бодхазон,
Дилларга ғам солмасми кўлка?..

Тўхтамасми мавждан она Сирдарё,
Муңгаймасми далалар ахир?
Юртим осмонлари бўлиб зим-зиё,
Босимизга ёғмасми қаҳр?
“Фатво бер, онажон! Жанга жўнай!” — деб,
Она юртинг сари юз бурдинг,
Жаҳоннинг халоскор ўғлони бўлиб,
Майдонларда мағрур от сурдинг!

Рост, улуг бобонг ҳам, ёвқур Темурбек,
Европани асраб қолганди,
Чангал солиб Олтин Ўрдага шердек,
Не-не элга паноҳ бўлганди.
Халоскорлик бордир азал қонингда,
Бари жаҳон аҳлига аён.
Ватан — имонингда, меҳри — жонингда,
Шараф сенга, шараф, эй ўғлон!

Сен инъом айлаган иқбол тафсири
Сизмагусви шоир сўзига.
Сен мангу ёш қолдинг бунинг бир сирин:
Тик қаролдинг ўлим кўзига!
Она Ўзбекистон нурларга тўлғай,
Осмони ҳеч бўлмаган қаро.
Номинг мангуликка дахлдор бўлғай,
Мангу шовуллаган шу боғлар аро.

Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

**АДАБИЁТ —
МЕҲРИБОН ОНА**



Атоқли қорақалпоқ адиби Тўлапберган Қайипбергановнинг адабиёт, бадий ижод, ижодкор шахси ва маҳорат масалаларига бағишланган фикр-мулоҳазалари ёзувчининг “Йўл-Йўлақай учрашганларнинг хозиргача фақат 999 саволига йўл-йўлақай берган жавобларим” номли китобидан олинган.

— Бадий ижодда ҳаммуаллифликка қандай қарайсиз?

— Адабиёт тарихида ҳаммуаллифликда ёзилган асарлар ҳам учрайди. Менинча, ҳаммуаллифлик — бир машинанинг рулини икки киши ушлаганига ўхшаш ҳодиса. Бунинг бир ёмон томони шундаки, машина ҳалокатга учраса (асар сифатсиз чиқса), рулни бошқарган икки кишининг қай бирани айблаш муаммо туғдиради.

— Ёзувчилар бадий асарни шон-шухрат учун ёзишармиш. Шундайми?

— Ҳақиқий ёзувчи ўзининг шон-шухрати учун эмас, ўзгаларнинг, халқнинг шон-шухратини кўтариш учун ёзади. Улар асарлари бошига ёки охирига ўз исми-фамилиясини ёзиб қўйишининг боиси шундаки, мабодо асарда хато-камчиликлар учраса, ўқувчилар бу камчиликларга йўл қўйган муаллиф кимлигини билмай овора бўлмаслиги назарда тутилади.

— Баъзилар: “Китобни оёғинг билан босма, унинг жони бор”, дейишади. Шу гапга ишонса бўладими?

— Ишонинг. Китоб, ҳақиқатан ҳам, мисоли қаттиқ уйкудаги инсон каби жонли нарса. Агар уни ётган еридан кўтариб қўлингизга олиб, саҳифаларини арақлаб ўқисангиз, у секин ўйғонади ва сиз аввал эшитмаган, билмаган воқеаларни, ҳикматларни сўзлай бошлайди...

— Ёзувчи бўлиш ниятим бор эди. Адабиёт — боши ва охири йўқ денгиз, деган фикрни ўқиб бу ишга киришишга чўчидим. Сиз нима дейсиз?

— Менинча, адабиёт денгизгина эмас, бепоён, чексиз уммондир. Унда эркин сузиш учун фақат истеъдоднинг ўзи етарли эмас. Кўп ўқиш, кўп ўрганиш орқалигина атрофингиздаги ҳаётнинг воқеаларини бир-биринан фарқлаш, англаш уқувига эришмоғинг шарт. Шундан сўнг уринсанг бўлади.

— “Образга кириш”, дегани нима?

— Ёзувчи астойдил образга кириб кетса, ўзи ёзаётган асардаги қаҳрамонларнинг ашаддий муҳлисига айланиб қолганини сезмайди. Масалан, улуг ёзувчи Лев Толстой ўзи тасвирлаган образ — Наташанинг князь Андрейга хиёнат қилиб қўйганига чидай олма, хонадан йиғлаб чиқиб кетган экан. Образга кириш мана шунга ўхшаш ҳодиса.

— Бир асарингизни “Нариги дунёдаги бобомга хатлар” деб номлагансиз. Уша хатларингиз у дунёга бориб етadими?

— Америка ёзувчиси Эрнст Хемингуэйдан бир танқидчи: “Сиз романларингизда тасвирлаган шахарларда бўлганмисиз?”, деб сўраганда адиб: “Мен Дантега “Сиз” “Дўзах”ни ёзишдан олдин дўзахни ўз кўзингиз билан кўрганмисиз?”, деб савол бермаган бўлар эдим”, деган экан.

Бундан энди ўзингиз хулоса чиқарарсиз.

— Адабиётнинг жамиятдаги ўрни ҳақида нима дейсиз?

— Бадий адабиёт жамиятни акс эттирадиган кўзгу бўлиши билан бирга, жамоатчиликка тарбия бобида панд-насихат берадиган мушфик-меҳрибон ОНА ҳамдир.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

БАРҲАЁТ НОМЛАР

У кимнингдир акаси, укаси, у кимнингдир сеvimли ёри, у кимнингдир яккаю ёлғиз ўғли, у кимнингдир ўқувчиси... Мўминов Ҳ. — 1907 — 1944, Хўжаев Н. — 1926 — 1945, Умаров Ж. — 1923—1945... Кўпчилиги 17-18 ёшдан ошмаган, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган бу навқирон йигитлар уруш бўлмаганида жамият равнақига ҳисса қўшган, оила қурган, қариллик гаштини суриб бахтли яшаган бўлармиди?... Бу ерга ташриф буюрган зиёратчиларнинг ҳаёлидан ана шундай ўйлар ўтиши табиий.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган “Биродарлик қабристон”да Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хоки кўмигана. Уруш даврида дини, эътиқоди, миллатидан қатъий назар яраланган аскарлар Тошкентдаги госпиталларга даволаниш учун жўнатишган. Фактларга эътибор берайлик-а. Уша пайтлари Тошкент шаҳрида 14950 ўринга эга бўлган 47 госпитал барпо этилган ва зарур ускуналар билан жиҳозланган. Жангу жадаллар кетаётган Москва, Калинин, Ростов каби бир қанча шаҳарлардан 15900 ўринга эга бўлган 48 госпитал кўчириб келтирилган. Ўн олти мингга яқин беморга хизмат кўрсатган бундай ҳарбий шифохоналарни қуриш кейинги йилларда ҳам давом этди. Ўзбекистонда 39140 ўринга эга бўлган 113 та госпиталда ярадор ва бемор жангчиларга тиббий хизмат кўрсатилди.

Мана шу маълумотларнинг ўзиёқ халқимизнинг ўша даврларда урушнинг захматини, машаққатини бошқа халқлар қатори ўз елкасида бирда кўтарганигидан далолат бериб турибди.

— Уруш даврида қанчадан-қанча аскарлар оғир яраланиб госпиталларда вафот этган. Уша йилларда бу ерга дастлаб 600 нафар уруш қатнашчиси дафн қилинган, — дейди ушбу маскан назоратчиси Раёно опа Орифхўжаева. — Кейинчалик бу ерга бошқа қабристондаги жангчиларнинг хоки кўчириб келтирилди. Қолаверса, урушда қатнашиб соғ-омон қайтган, тинч замона-

миз пайтида вафот этган қаҳрамонларнинг кўпчилиги ҳам шу қабристонга кўмилган. Б. Бобоев, Ш. Умаров, Р. Абзалов, А. Эшонқулов каби ҳамюртларимизнинг хоки ҳам шу ерда. Бу маскан ҳар доим зиёратчилар билан гажум. Турли арча ва манзарали дараклар экилгани учун қабристон йилнинг ҳамма фаслида соя-салқин, ям-яшил. Ҳар бир қабртош орасига атиргуллар экканмиз. Бу ернинг ободлигига, са-

Жасорат, бурч, матонат

ранжом-саришталигига фақат байрамлар арафасида эмас, йил ўн икки ой эътибор берамиз. Бундан 2-3 йил олдин Россиялик уруш қатнашчисининг хокини яқинлари излаб шу ердан топишди. Улар бобосининг хокини, номини топганига бир хурсанд бўлса, бу ернинг сўлимлиги ва кўркамлигига яна бир хурсанд бўлишди. Бизларга қайта-қайта раҳмат айтиб уруш қатнашчисининг қабрини гуллар билан зиёрат қилди.

Дарҳақиқат, бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Ва албатта, ҳар бир зиёратчи қабр тошлари олдида бефарқ ўтиб кетолмайди. Улкан “Мотамсаро она” монументи олдида бир лаҳза сукутга толасиз. Ахир мана шу ерда ётган ҳар бир жангчининг онаси уларни ана шундай кўзлари тўрт бўлиб кутгани ҳаммамизга маълум. Она

кўзидаги масъумлик урушнинг инсоният бошига солган қулфатлари, оғир кунларидан дарак бераётгандек гўё...

Қабртошлар орасида жуда кўп ҳамюртларимизнинг номларини кўришингиз мумкин. У кимнингдир қуролдош дўсти, у кимнингдир синфдоши, у кимнингдир маҳалладоши... У ким бўлишидан қатъий назар шу Ватанинг фарзанди. Ватани учун, тинчлик учун, озодлик учун курашган, жон олиб жон берган. Уларнинг қаҳрамонлиги, ёди ҳеч қачон қалблардан ўчмайди.

Эртага “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан бундай қабристонлар, зиёратгоҳлар зиёратчилар билан гажум бўлиб кетади. Улар бу дунёдан ўтиб кетган яқинларининг руҳини шод этиш учун, уларнинг номларини ёдга олиш учун ана шундай табаррук масканларга ташриф буюришади. Хотира ҳар биримизга бугунги кунимизга шукр қилиш, эртанги порлоқ келажак учун доимо оғоҳ турмоғимиз лозимлигини эслатиб туради. Бундай масканлар ҳар биримизни бир мақсад, бир гоа атрофида жиқлаштиради: Тинчликни кўз қорачигидек сақлаш керак! Юртни, Ватани асраш, ҳаётнинг қадрига, дорилоним кунларнинг қадрига этиб, оғоҳ бўлиб яшаш керак!

Барно СУЛТОНОВА

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

ҚОНЛИ КЎЙЛАК

Бер онажон, бер отамнинг
Кўйлагини қўлимга.
Бергил майли, чиқсин яна
У муқаддас йўлга.
Бер, кўйлақни байроқ этиб
Қадаб кўй қуёшга.
Тонгда балқиб, қони билан
Кўринсин қари-ёшга.
Майли, бир зум тирик олам
Бўлиб қолсин ҳайронлар.
Қонли кўйлақ порламоқда,
Боқингиз, эй инсонлар.
«Боқинг, уруш даҳшатидан
Огоҳ бўлинг, яхшилар.
Бўлмасин-чун кўйлақлар қон
Сергак бўлинг, яхшилар».
Қонли кўйлақ қонли
Чорлаб турсин шундайин.
Бер, онажон, жанг гувоҳин
Мен қуёшга қадайдин.
Бизнинг узоқ авлодлар ҳам
Келганида дунёга,
Кўргай, мангу тинчлик учун
Нелар кечган дунёда!

ПОЛВОН ИБРАТИ

У кураш тушганда юлдузлар мавжланарди. Тоғлар бир-бирига урилгандай гўмбурларди. Боғлар шиддат билан тебранарди. У кураш тушганда “Ё Али”, “Ё пирим” деган садолар акс-садолар бўлиб узоқ-узоқларга эшитиларди. Буй ётган қизлар негадир осмонга боқиб, бешиқ тебратаётган она боласига термулиб қоларди. У майдон айланганда отахонларнинг юзида фахр, энгидан дуо тўқиларди. Ёш йигитчаларнинг билагига қуч қирарди, томошбинларнинг ҳайкиригидан дараклар-да зириллаб оларди. У кураш тушганда, мўъжиза рўй беради, одамлар инсоннинг энгилмаслигини, ботиру қодирлигини теран англай бошлардилар. У одамларга гурурдан, фахрдан, энг аввало, мардликдан дарс берар эди. У



йўқ сайлар, тую томошалар, байраму тантаналар файзсиз, тароватсиз бўлар эди. Уни полвон — инсон дер эдилар. Уни Олим полвон дер эдилар.

Олим Толипов 1918 йил Тошкент шаҳрининг Комолон даҳасида туғилган. Болалик йиллариданоқ курашга қизиқди. Унинг сир-синоатларини мукамал ўрганишга бел боғлади. Ўсмирлик пайтларида бир неча давраларда кураш тушиб халқ меҳрини қозонди. Полвон деган ном олди. Унинг мақсади курашни бутун дунёга танитиш эди. Бироқ кутилмаганда, уни урушга олиб кетдилар. 1941 йил Белорусия фронтда хизмат қилиб, 1946 йил 12 мартда биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтиб келди...

...Олим полвон урушдан кейинги йиллар ишлаб чиқариш комбинатида технолог, ўттиз йилдан зиёд маориф соҳасида хизмат кўрсатди. Қаерда қандай лавозимда ишламасин ўша азалий орзуси кураш унга тинчлик бермасди. Тўй-тананаларда, сайилларда кураш тушиб, ёш, юрагида ўти бор йигитларга сабоқ берар, курашнинг сирли усулларини ўргатар эди.

Полвон 2003 йил вафот этди...

— Отам йигит киши мард бўлиш керак. Мардлик — йигитнинг зийнати, дердилар, —

эслайди полвоннинг ўғли Зоир ака Толипов, — Мард йигитларнинг яхши кўрадилар, уларни қадрлаб юрадилар. Армонингиз борми, деб сўрабман болалик йилларимда. Отам бироз жим бўлиб қолди, кейин: Битта армоним ўзбек кураши ҳам дунё миқёсида машҳур бўлса, бутун жаҳон курашимизни севиб қолса, олқишласа, дегандилар. Отам то мустақилликка эришганимизча шу орзу билан яшади. Ватанимиз мустақил бўлгач муҳтарам Юртбошимизнинг қарорлари билан отамнинг орзулари амалга ошди. Ушанда отам шундай хурсанд бўлгандики, эсимни танганимдан бери бу қадар севинганларини кўрган эмасман.

Ҳа, мустақиллик барчамизнинг юрагимизнинг тубларида ётган орзуларимизни ҳам озодликка чиқарди, қаноат берди, баланд парвозлар берди. — Отам мустақилликдан кейин худди ўн саккиз ёшли йигитдай ҳаракат қиларди — дейди Зоир ака. — Кураш билан боғлиқ чемпионатларда қатнашиб, назарий билимларини аямасди. Ахир азалий орзунинг ушалиши ёқимли бўлади-да.

Олим полвон олти нафар фарзандни Юртга, Ватанга нафи тегадиган, хизмат қиладиган инсонлар қилиб тарбиялади. Улар ҳозир турли соҳаларда Ватанимиз равнақига ўз хизматларини қўшаётир...

Полвон атамасининг эгизига — мардлик-халолликдир, жасоратдир. Кекса авлод вакилларига Олим полвон десангиз ҳали ҳам меҳр билан эслашади. Ёшлар ҳам уни яхши танишади, унинг тажриба, йўл-йўриқларидан фойдаланишади.

Халқимизнинг азал-азалдан полвонлар билан чавандозларга меҳру муҳаббати баланд. Уларни яхши кўришади, эслаб юришадилар. Олим полвон ҳам шундай танти ўзбекининг алп ўғлонларидан эди.

Уни полвон дер эдилар. Ҳақиқий инсон эди, деб ҳамон эслайдилар.

Санжар ТУРСУНОВ

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ХОТИРА ХИЁБОНИ

Хотира хиёбони,
Қирқ икки устун бор.
Ҳар ўйилган нақшида
Эл дардининг уни бор.

Йигирма саккиз тоқча,
Йигирма саккиз китоб.
Тўрт юз эллик минг одам
Номидан қилар хитоб.

Бунда унгувчи гуллар,
Оловдан сув ичгайдир.
Рухлар Тошкент қўкида
Гул рангида учгайдир.

Мотамсаро онанинг
Пойида хуш дуо қил,
Дунёга тинчлик сўра,
Худойимга нило қил.

Қанча лаънатинг бўлса,
Уруш деган сўзга от.
Ёт элга қурол билан
Кириш деган сўзга от.

Бу — миллат онасидир,
Абадий мотамсаро.
У — армоннинг дийдори
Соғинчдан қалби яро.

Мустақиллик майдони —
Дард сочилган парчаси.
Хотира хиёбони —
Абадият арчаси.



ЖИЗЗАХ. Ёзувчилар уюшмаси фаоллар Кенгашининг Жиззах вилоятида бўлиб ўтган кўчма йиғилишида уюшма раиси Муҳаммад Али бугунги кутлуғ кунларда адабиётимизга берилмаётган юксак эътибор, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган имкониятлар тўғрисида гапирди.

Абдулла Аҳмад, Абдулқосим Мамаரசуллов ва бошқа ижодкорлар қалам ахли учун яратилган шарт-шароитлар, ёш ижодкорларга талабчанлик билан мураббийлик қилиш каби вазифалар хусусида фикр билдирдилар.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлимига раҳбарлик қилган таниқли адиб Туроб Мақсуд нафақага чиқishi муносабати билан шоира Меҳрибон Абдурахмонова Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлимига раҳбар этиб тайинланди.

САМАРҚАНД. Самарқанд давлат университетидеда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 679 йиллиги муносабати илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Республика маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда уюшма вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир доирасида Ёзувчилар уюшмаси олдида турган вазифалар, яратилаётган асарлар бўйича адабий учрашув ҳам ўтказилди. Тадбир иштирокчилари юртимиз алломаларининг умумбашарий тараққиёт-

даги ўрни, айниқса, буюқ давлат арбоби Амир Темур бобомизнинг миллий давлатчилигимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзладилар.

НАВОЙИЙ. “Баркамол авлод” болалар марказида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда Навоий шаҳар маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида 9 Май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган “Тинчлик — эзгу мақсадимиз!” деб номланган тадбирда иштирок этган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 90 ёшли отахон Темир Давлатов ҳамда фронт ортида захмат чеккан бир гуруҳ меҳнат фахрийларининг хотиралари тингланди.

Нурота туманидаги иқтисодийёт касбухона коллежида ўтказилган “Уруш бўлмасин жаҳонда!” деб номланган тадбирда уруш қатнашчиси, 89 ёшли отахон Истам Арабовнинг хотиралари барчада катта таассурот қолдирди. Нуроталик ёш ижодкорлар кексаларга бағишланган шеърларидан ўқишди.

АНДИЖОН. Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб Марҳамат кишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежи, Андижон шаҳридаги Саховат ўйи, вилоят педагог кадрлар малакасини ошириш институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Бўз ҳамда Избоскан тумани маҳаллаларида ва Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмларда бўлиб ўтган учрашувларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида

маси раиси Муҳаммад Али, шоир Тўлан Низом, Олимжон Холдор, таниқли шоирлар ва ижодкорлар Қамчибек Кенжа, Хуршида, Ҳанифа Солиқова, Ҳабиб Сиддиқ, Омينا Тожибоева, Абдумутал Абдуллаев, Наби Жалолиддин, Бегойим Холбекова ва бошқалар иштирок этдилар.

Марҳамат туманидаги оташқалб шоир Муҳаммад Юсуф номи билан аталувчи 25-умумтаълим мактабида, Турон хотира боғида шоир хотирасига бағишлаб ўтказилган тадбирларда туман ҳокими Хурсандбек Султонов, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоира Хуршида Кўчқорова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Ёш ижодкорлар иштирокида “Инсон хотираси муқаддас” мавзуида мушоира ўтказилди.

ФАРҒОНА. Фарғона политехника институтида Матлуба Дехқон қизи, Ойдин Темирова, Фарида Анис ҳамда Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими қошидаги “Олтин қалам” адабий тўғараги аъзолари иштирокида ижодий учрашув ташкил этилди.

Кексаларни эъзозлаш йилгига бағишлаб Марғилон тиббиёт коллежида бўлиб ўтган тадбирда вилоятда истиқомат қилаётган қаламкашлар ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этдилар.

НАМАНГАН. Вилоятда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат fronti фахрийларига “Иккинчи жаҳон урушидаги Галабининг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медалини тантанали топириш учун ўтказилаётган тадбирлар катта байрам тусини олмоқда.

Наманган юридик коллежида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Нодира Мустафоева, таниқли шоир Икром Отамурод, актёрлар Зухриддин Режаметов, Файбулла Жуманов ва бошқалар иштирок этдилар. Худди шундай тадбирлар Чортоқ, Тўрақўрғон туманларининг ўрта-маҳсус ўқув юртралида ҳам ўтказилди.

СУРХОНДАРЁ. Вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллуд кунини муносабати билан “Ватани куйлаган шоир” мавзуида ижодий учрашув ташкил этилди.

Термиз давлат университети, Қумқўрғон туманидаги 2-умумтаълим мактабида ижодкорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида “Хотира ва қадрлаш кунини” бағишлаб давра суҳбатлари ўтказилди.

Ахборот хизмати

ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, БУРЧ

ОЙБЕК,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

"ЮРАГИМДА ВАТАНИМ..."

Йинги келмайди сира...
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йўлларнинг ахиддек
Лабида қотишти сўз.

Қошлар, киприклар қиров —
Юраман хушсиз, ҳайрон.
Қорини оч, эсга келмас
Халтамдаги гиштдек нон...

Куйган уйларида увлар
Қиш қуюни бетиним.
Танҳо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним.

1944 йил 17 февраль.

Ғафур ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

СОҒИНИШ

Зўр қарвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуён!

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустақкам хонаи хуришд.
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртанги умид.

Хоки анжир тугаб, қовун ғарқ пишган
Бахтли тонг отар чоғ уни қузатдим,
Бир малъун гулшанга қалам қўйишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим!

Унда етук эди мерос мард гурур,
Остонани ўшиб, қасамёб қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилшод қилди...

Ибليسнинг гарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўлим омон келар, голиб, музаффар,
Гард ҳам қўндирмасдан қора қошига.

Не қилса, отамен, мерос ҳиссиёт...
Жудан соғинишга унинг ҳаққи бор,
Кутмаин, узокдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса гўбор.

Баҳор новдасида бўртган ҳар қуртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Қўчатлар қоматин эслатганидек,
Нафасин уфурар тонг отар ели.

Кечкурун ош сузсак бир насиба кам,
Кўмсайман бировини — аллаккимини,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни.

Балки бир ғалат ўқ ё хавфу хатар
Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...
Йўқ, у улмас, қадами олам яратар,
Ҳаётин бу олам сизу бизга хос.

Тонг отар чоғида жуда соғиниб,
Бедад ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа ҳаётлар чашмадад тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра сямоб.

Ўроғу гулдайчи, истак қўтариб,
Ҳовримни босишга боққа жўнадим.
Ҳашарчи кўшини қиз — унинг севгани,
Маънос босар эди оқрамдан оғим.

Боғда сарвиномин йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим аргувон ёнинг Нафиса,
Сени соғинганда қилдим гул пайванд —
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.

Дур бўлиб тақдир ёнинг бўйнига,
Салафайл кўзимда, беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Қўяр, васвасамдан қулади қуёш.

Асаддан ажраган мумдай сарғайиб,
Ини йўқ аридек тўзганимни йўқ,
Улуғ эътиқодда ўламан қариб,
Абадир мендаги падарий ҳуқуқ.

Сизларни келди, деб эшитган кўни —
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
Ғалаба қунарли яқин, албатта.

Яёв, кўксим очик, бошда шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор,
Ҳар битга шафтолу мисоли кулгу,
Шафақдай ним пушти, сарин, бегўбор.

Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди
Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.

Е, ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг, данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлигга ол,
Менга тошпирилган меросий ҳақ-ла.

Боғда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиш,
Голиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.

1942 йил 15 май.

ШУҲРАТ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЯШАСИН ТИНЧЛИК, ИНСОН ВА КЎКЛАМ!

Тоғлардан шилдираб оққан ирмоқлар
Қорликлар саломин олиб келади.
Майсадан кўк нуқра тутган қирғоқлар
Баҳорга ташақур айтган бўлади.

Майни ҳам етаклаб келади баҳор,
Қўйнида ранго-ранг, кучоқ-кучоқ гул.
Кўзида саратон ҳарорати бор,
Лабида табассум, дейди: — Сен ҳам қул!

Қирда ҳам, тоғда ҳам баҳор нафаси,
Пахтакор юқинида мағрур кезади.
Баҳорни етаклаб пахтакор ўзи,
Баҳорга қундалик режа тузади!

Баҳорнинг бир кўни куздай салмоқли,
Ҳафталак юқини тутар кифтида.
Баҳорнинг ҳар оми мойли, қаймоқли,
Олтин бор, гавҳар бор ҳар бир кафтида!

Баҳорда улғайиш, яшариш, унинг,
Баҳорда камолот, севги, тинчлик бор.
Тинчликнинг ишқиди ўрганиш, ёниш,
Ватандош дўстимда шонли ифтихор.

Баҳор бу май демак, май эса мағрур —
Инсоннинг ақлига, кўрқига кўрик.
Инсоннинг ақлида қуёш қадар нур,
Ер қадар саҳийлик бор, сувдек мўллик!..

Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЕВРОПАДА ҚОЛГАН ҚАБРЛАР

Тўхтаб ўтар бунда навбатма-навбат
Оналар, аскарлар, чоллар, вазирилар...
Гулларга бурканиб ётар то абад,
Европада қолган қабрлар.

Халқим, унинг ҳар бир бўғини,
Ҳар гўдакнинг умрин қадрлар.
Бунга яна ундайди уни,
Европада қолган қабрлар.

Ўлкам кўм-кўк, боғлар меҳнаткан,
Ерни чирмаб ётар томирлар.
Шу боғларнинг илдизига туташ,
Европада қолган қабрлар.

Юлдуздай узлар пишган ширмой нон,
Тонг шафақи каби тандирлар.
Насибалар узилмайди ҳамон,
Европада қолган қабрлар.

...Ҳар баҳор кимнидир йўқлар сингари
Лоладан тебранган адирлар...
Қалбимнинг лоладек ўт парчилари,
Европада қолган қабрлар.

МИРТЕМИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ЗЕБИ

*Зебижон отланди, кетди сой билан
(кўшиқдан)*

Сурунлар қаҳрида кезар кўрқувсиз,
Хўснига ярашган заб ном — Зебижон.
Тагин жаҳонларга бўлди бергусиз,
Дўстлари юборар салом, Зебижон!

Меҳрибон, мулойим, дўстга бегина,
Камолот топарди зийна базийна,
Кечаги санъаткор, содда қизгина,
Бугун бермас ёвга ором — Зебижон!

Юрагида ёнар ғазаб оташи,
Ўқидан утади ганимлар боши,
Гўзал мамлакатнинг эй, қалам қоши,
Кутлуг бу зафарёб айём, Зебижон!..

Оловга кирасан, ботқоқ кечасан,
Тўғри келса лойқа сув ҳам ичасан,
Майли, золимларга кафан чачасан,
Майли, қирғин солгин, мудом Зебижон!

Аяма, то ўчсин ганимларда қут,
Сафларини тўзғит ва тўк мисли тут,
Халол бўлди сенга онанг берган суг,
Соғ бўл, деб қўтардик биз жом, Зебижон!

Чарх уриб ўйнавдинг мисоли каптар,
Жангда ҳам достонинг тўлиқ бир дафтар.
Номингни ёзгани даркор бўлди зар,
Ғалабангни этил давом — Зебижон!

1995 йил.

НАЗАРМАТ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

БУ КУНГА ЕТГАНЛАР, ЕТМАГАНЛАР БОР

Ғалаба, сен бизга порлоқ паноҳсан,
Дилларни ёндирган ўчмас жангтоҳсан,
Етимларга ота соғинч даргоҳсан,
Бева қолганларга дардли нигоҳсан,
Бу кунга етганлар, етмаганлар бор.

Ҳаётнинг бор фасли, қиши ҳам ёзи,
Бўронга ўхшайди хаёл парвози,
Ёвузлар қилса жанг, қон поёндози,
Урушга кетганлар бўлай дер гоzi,
Зафарга етганлар, етмаганлар бор.

Эллик йил бўлибди, ёдда жанг майдон,
Дуёнинг рўшнои — тинчлик ва омон,
Бахтимиз — мустақил Ватан жонажон,
Ўтганлар руҳларини этайлик шодмон,
Бу кунга етганлар, етмаганлар бор.

1995 йил.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

УРУШ ЙИЛЛАРИНИНГ ЖОНОН ҚИЗЛАРИ

Қаҳрамон йиғитлар урушга кетди,
Чўғ бўлиб ёндириб қолди излари.
Оловлар ичида бўйингиз етди,
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Муҳаббат, муҳаббат, илоҳий маъно,
Сизга ёр васлини кўрмади раво.
Хатларга термулиб умрингиз ўтди,
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Қадоққўл юртимнинг Зулайҳолари,
Дилбарлари, Дилдор, Дилраболари.
Йиғидан қизарган шаҳдо кўзлари —
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Қорлар кечиб юриб қўсақлар терган,
Сепини тўп қилиб фронтга берган,
Йиғит қўрган ҳамма балони кўрган,
Уруш йилларининг жонон қизлари...

Замин минг айланса, айланса Замон,
Яхшини яхши деган, ёмонни ёмон.
Муҳаммад Юсуфнинг тансиқ сўзлари —
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Константин СИМОНОВ

МЕНИ КУТГИ

Ҳамид Олимжон таржимаси

Мени куттил ва мен қайтарман,
Фақат куттил жуда интизор,
Куттил, ёмғир зериктириганда,
Мени куттил, ёққанда қор —
Атрофининг ҳарорат қолаб,
Еру кўкни чағ тутганда, кут,
Бошқаларини узатган дўстлар
Кечатгина унутганда, кут.

Хат келмасдан узок ерлардан,
Юрагингни қилганида қон,
Куттил, сен-ла бирга кутганлар
Зериккандан чекканда фиғон.

Мени куттил ва мен қайтарман,
Бўлса ҳамки рангинг заъфарон,
Ёнинг қайтмас, умидингни уз,
Деганларга тилама омон.

Майли, ўғлим, синглим, волидам,
Аза очсин мен йўқ туфайли.
Кута бериб сабри тугаган
Ёру дўстлар, ошналар, майли,
Айрилиқда беролмасман тоб,
Аччиқ-аччиқ ичсинлар шароб.
Кўзларингга тўлса ҳамки ёш,
Фақат сен кут ва айла бардош...

Мени куттил ва мен қайтарман —
Ўлимларни қолдириб доғла.
Иши ўнган кепти десиллар
Кутмаганлар мени у чоғла.
Ёт туюлар кутмаганларга,
Бундай ажиб толенг санинг.
Кута-кута мени офатдан
Омон сақлаб қола олганинг,
Қандай омон қолганлигини
Ёлғиз сенга айтарман, сирдош, —
Кута олдинг мени сен фақат,
Буюк эди сендаги бардош.

Сафар КОКИЛОВ

МАРДЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

"Игна билан ёзилган асар" номи билан XX асрнинг 60-80-йилларида китобхонлар меҳрини қозонган, бир неча тилларга таржима қилинган "Вафодор" романидан ташқари қатор асарлар муаллифи Вали Ғафуров матонатли инсон эди.

Эндигина 19 ёши қаршилаган навқирон йигит пиёда қўшинлар билан юртида оз фурсат ўқиб, ҳали зобитлик унвонини ҳам олишга улгурмай, фронтга — душманга қарши курашга отланади. 1942 йилнинг жазирама ёзи. Фронтда ахвол анча оғир, фашистлар шимолий Кавказга, Дон ва Волгага интиломда эди. Сурунли кунларнинг бирида Сталинград остонасида тонг маҳали бошланган қақшатқич жангда жангчилар душманининг сон-саноксиз ҳужумларини бирин-кетин қайтаришмоқда эди. Вали Ғафуров пулемётдан тинмай ўқ ёғдирганча шиддат билан олға ташланган аскарларни душмандан ҳимоя қилиб турарди. Саросимага тушиб қолган немислар ниҳоят ортга чекинишга мажбур бўлишди. Вали оқолдан сакраб чиққан заҳоти ёғинасида кучли портлаш содир бўлиб, кўз олдини қоронғулик қоплайди. Ҳарбий шифокорлар осколка зарралари бугун баданини тилка-пора қилаётган жангчи ҳаётини сақлаб қолиш учун узок курашдилар.

В.Ғафуров Ўзбекистондаги госпиталлардан бирига эвакуация қили-

нади. Бу ерда оғир ахволдан яқинлари воқиф бўлишларини истамасди. Уша пайтлари Ўзбекистон Кўзи оқизлар жамияти фаоллари томонидан Иккинчи жаҳон урушида кўздан ажралиб, касалхоналарда даволанаётган аскарларни ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнларига жалб қилиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориларди. Жамият раҳбарлари Вали Ғафуров билан учрашгани Кудрат ака Примкуловга топширишди. У жангчи яшаган кишлоқ аҳолиси билан учрашиб керакли маълумотларни олгач, госпиталга ташриф буюрди. Бемор ётган палатага кирар экан:

— Ассалому алайкум, Валижон, — дея унинг ёнига келиб ўтиради ва йўлда сотиб олган иссиққина кулча нонни Валижонга узатади.

...Навбатдаги снарядни отганимиздан сўнг командирнинг бақиргани эшитилди. — Ҳамма панага! Оқолга!

...Ўзимни торгина оқопчамиз тағига таппа ташладим. Кинидан чиқиб кетгудай бўлиб ураётган юрагим ҳам аста-секин тинчиб бошлади. Бошимдан каскамни ечдим-да, тағида гижим бўлган ва тердан нам пилоткам билан юзимни артдим. Телага қулқ соламан, немис пулемёти бизнинг ўт очиш нуқтамизни ўққа тутяпти. Бошимизга қум ва каскалар тўкилади. Чор-атрофимиздан осмонга чағ-тўзон кўтарилмоқда. Бироқ бу пулемёт ўқлари бизга унчалик хавфли эмас.

"Ерга яқинроқ бўл, ер ҳимоя қилади. Оқопни чуқурроқ қазинглар", деб командиримиз жавраган маҳалларда оқоп қазийвериш малол келган пайтлар ҳам бўлган. Мана энди билжамизки, оқопнинг чуқури жонинг паноҳи экан. Фақат душман анави чийилдоқ олти оғизли миномётларидан ўқ ёғдириб қолмасе бўлгани. Шуни ўйласам, кўнглимга яна ваҳима аралаш ноҳуш бир хижиллик оралай бошлайди.

...Ишимиз ўнгидан келди. Биз ҳозиргина ўзимизга топширилган вазифини удраладик. Қирқ беш миллиметрлик тўпчамиз билан қаршимиздаги душманинг портловчи ўқ отадиган катта калибрли пулемёт нуқтасини яқсон қилиб, пиёдалар ҳужумига йўл очдик. Энди навбатдаги буйруқчада дам олиб турсак бўлаверади. Жойимизни пайқаб қолиб, халидан бери ақиллаб ётган душманинг бошқа бир пулемёти овози ҳам ниҳоят ўчди.

Ёзинг тип-тиник осмони. Оқолга қуёш нури тушиб, қиздира бошлади. Танамиз сояда бўлса ҳам бошимиз қизиб кетди. Командиримиз — старшина Фредков бунқайганча оқопнинг соя томонига ўтиб ўтирди.

— Бопладинг-а, аблаҳларни, — деди у мамнунлик билан куларкан, соқоли ўсиб, чағ ўтири қолган юзи тиришди. — Комбат ишни удраласанглар, ҳар бирингни "Жасорати учун" медалига тақдим этаман деган. Медали йўқлар гимнастёркасида тешик ҳозирлайверсин. Комбат бир сўзди...

Ҳамма аскар ҳам, айниқса, (ҳеч қандай му-

Валижон нонни қўлларида тутиб, уч марта ўпиб пешонасига текизади ва: — Раҳмат, нондек азиз бўлинг! — дейди мамнун киёфада.

Шундан сўнг улар анчагина суҳбатлашиб ўтиришди. Кудрат ака ўзи ишлаётган кўзи оқизлар жамияти ҳақида гапириб беради. Ушбу учрашувдан кейин у тез-тез Вали Ғафуров халидан хабар олиб туради.

Бу орада йигитнинг севгилиси Муҳаббатта икки энлик хат ҳам ёзиб жўнатишга улгуради. Сулоки ёрининг ахволдан хабар топган қиз эзлик билан шифохонага етиб келиб, унинг яраланган қалбига малҳам бўлади. Қаҳрамонимиз госпиталда соғлигини бироқ тиклаб яқинлари бағрига қайтган, Ўзбекистон Кўзи оқизлар жамиятига аъзо бўлади. Кейинчалик жамиятга қарашли Ўрта-овул (ҳозирги Қ.Примкулов номидаги) ўқув ишлаб-чиқариш корхонасига раҳбар этиб тайинланади.

Орадан йиллар ўтди. Вали ака нафақат ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишга эришди, балки истеъдоди туфайли эл ардоғидаги ижодкор даражасига кўтарилди. 60-йиллар бошларига келиб, игна билан ёзилган "Вафодор" романининг биринчи китобини нашр эттирди. Асар кенг адабий жамоатчилик томонидан илқ кўтиб олинди. 1973 йилда ушбу асарнинг иккинчи жилди ҳам дунё юзини кўрди. "Вафодор" асарида муаллиф ўз ҳаёт йўлини тасвирлаш орқали Иккинчи жаҳон уруши жангчиларида мислсиз жасорат кўрсатган ўзбек ўғлонларининг оғир ва мураккаб кечмиши, пок муҳаббат, қаҳрамонликка йўғрилган тақдирлар ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Вали Ғафуров 1995 йили 73 ёшида вафот этди. Ундан маънавий мерос сифатида қолган асарлар ҳозирги кунда ҳам ўқувчиларни ҳалолликка, садоқатга, мардлик ва фидойиликка чорлаб келмоқда.

Эштемир ХИДИРОВ,
Қашқадарё вилоят кўзи оқизлар махсус ахборот-ресурс маркази "Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш" бўлими мудири

эдим, тағида озгина сув чайқалгандай бўлди. Идишнинг қопқоғини бураб очиб, Хрипинга узатдим.

— Ма, ич. Озроқ борга ўхшайди... — Йўғ-е, озроқ бўлса ўзинг ичақол, — деди у бироз ўнғайсиланиб, лекин тупроққа беланган, тирналган қўлини узатди. Қўзлари пирпираб, бурун катаклари асабий титради. Унга нисбатан қалбимда илиқ бир меҳр жўш урганни сездим.

— Ол, ошна, мен чанқанам йўқ, ич, ҳаммасини ич, — дедим меҳрибонлик билан ўзимнинг ҳам танглайим қақраб турганини хис қиларканман. Бечора ошнамизнинг жанг аввалидаёқ омади чопмади. Дайди ўқдан боши жароҳатланди. Кўп қон йўқотгани учун анча ҳолсизланиб турибди. Хрипин сувдонни қўлига олиб, охишта чайқатди ва оғзига олиб борди. Дарров қайтарди.

— Ич, яна ич. — Ичдим. Раҳмат. Маза қилдим, — деди у жилмайишга уриниб.

— Сувни тежаш керак. Ҳали кечгача ўтирамиз. Қоронги тунгач, овқатга бориб келасизлар, — деди командиримиз.

— Номоз, менга ҳам узат-чи. Бир хўплай, — деди Федотов ёнбошлаб ётганича қўлини узатиб.

Федотов ҳам сувдонни чайқаб кўрди-да менга бир қараб қўйиб, лабига текизди. Сўнг сувдон Шутимовга ўтди. Оқоп деворига ормандири қўл қўйса бўлди. Мана кўрасан, беради, — деди Фредков шимининг ён қўнғагидан тамаки халтасини оларкан, сўнг жиддий оҳангда сўради:


— Хрипин, қалайсан? Ахволинг яхшими? Кечгача чидай оласанми?

Юзи бўзарган, қўзлари ич-ичига ботиб кетган Хрипин тағидан қон сизиб аллақачон қипқизил бўлиб қолган бит билан ўралган бошини куйи солганича қўнғиш ўтирибди.

— Чидайман, ...Фақат роса чанқадим, — деди у хирқираган овозда, чағ, лой қотиб қолган лабларини ялаб тамшанди.

Ҳамма беихтиёр камарида осиглик сувдонга қўл югуртирди-ю, яна жим қолди. Ҳеч кимда сув қолмаган. Мен белимга томон силжиб кетган сувдонни пайпаслаб олдимга сурдим-да камаримдан ечиб олдим. Чайқаб кўрган

Ном ва ёд



С.Красавский. «Хотира абаши»

кофот олмаган бўлса) медал олса ўзида йўқ хурсанд бўлади. Хизматинг тақдирланаётганини хис қилиб туриш ёқимли-да. Менда-ку иккита медал бор, лекин манави ошналарим Федо-

БИР ҚУЛТУМ СУВ

...Э-э, болам-эй!
Беш йиллик урушни сўрайсан-а.
Сен аввал урушдаги бир куним ҳақида ёзиб кўр-чи...
(Отанинг сўзидан)

Бўлган воқеа

қаси билан сувни оёқларини қўзиб ўтирган Шутимов ҳам сувдонни бошига кўтариб, бир хўплади-да, командир томон узатди. Оғзибурнидан қўқимтир тутун чиқариб тамаки чекиб ўтирган Фредков ҳам оғзига бир теккизди-ю, сувдонни Обедкинга қўзди. У ичмайман дегандек бош чайқади. Сувдон ўзимга қайтди. Уни лабимга олиб бораётиб, ичида Хрипинга узатаётганимда қанча сув бўлса хали ҳам ўшанча сув турганини хис қилдим. Дўстларим сувдондаги охириги томчи сувни бир-бирига илиниб ичмасдан, фақат лабини хўллабгина қайтаришган эди. Мен ҳам сувдоним тағидаги сувни ичиб қўйишдан ўзимни тийиб, қопқоғини яхшилаб қотирдим-да, камаримга тақиб қўйдим...

Сафар КОКИЛОВ

НУРЛИ КЎНГИЛ, НУРЛИ ФИКР СОҲИБИ

Вақтни тўхтатиб бўлмайдиган, деган гап нисбийдир. Масалан, фотоаппарат "ширк" эдими, ўша лаҳза абадий қотади-қолади. Орадан қанча вақт ўтмасин, суратга боққаннинг захоти олис-олисда қолиб кетгандек туюлувчи ўша лаҳзага зувиллаганча қайтиб борасан, тасвирга тикилаётганингда ўша сониянинг ичида муаллақ тураверасан.

Суратга термуламани, муаллақ ҳолатга тушаман... Кўкун. 2013 йил. Адабиёт байрами. Қадим обида мажмуасида турибмиз. Бир ижодкорлик, бири ҳунармандлик сирларини ёниқиб ўрганаётган интилувчан ёшлар даврасига кириб бораёғамиз. Тинч юртда эркин нафас олиб, мустақил ҳаётга дастлабки кадамларини ташлаётган фикри учқур, қўли гул авлодга боқиб кўнглингга ёруғлик ёйилади. Бу ҳол, айниқса, Абдуғафур аканинг чеҳрасида алоҳида ақоллик билан акс этиб турибди. Бир олам завқ! Чексиз самимият! Фахр ва қониқлиш ифодаси!

Абдулла Қаҳҳор, Улмас Умарбеков, Ҳамид Олимжон, Асқад Мўхтор, Худойберди Тўхтабоев, Пиримқул Қодиров янглиғ забардаст адибларимиз ҳақида бири бирдан қўламли, мазмундор мақолалар битган, рисоалар яратган Абдуғафур Расулов ижодини кўп йиллар давомида кузатиб юрган бўлсам-да, ўзи билан айрим йиғинлардагина учрашиб қолардик, шахсини яқиндан билмасдим. Кутилмаганда, "Шарқ юлдузи" журналида каминанинг ижоди ҳақида ҳам йириккина мақоласи эълон қилиндию,



Умр ибрати

орамизда ўзгача яқинлик юзга келди, у кишини кўришим биланок кўнглим яшнаб кетадиган бўлди, гоҳ-гоҳ уйига бориб йўқлаб кўярдим, суҳбатимиз доим узоққа чўзиларди, қушдек энгил тортиб қайтардим.

Абдуғафур аканинг ижоди тўғрисида номдор-номдор касбдошлари илиқ ва кўтарин-

ки сўзларни кўп айтишган, улардан ўтказиб бир нима демоғим амримаҳол. Фақат айрим қўшимчалар қилмоқчиман — касбига меҳру садоқат ила ёндашиб, адабий жараёни изчил кузатиб борарди, ўқишдан толиқмасди, ҳатто қаламкашлар даврасига эндигина кириб келаётган ёшларнинг асарларини ҳам назардан қочирмасди, ярқираб кўринганларига қисқача бўлса-да, муносабат билдириб ўтишга, муаллифнинг кўнглини кўтариб қўйишга, руҳлантиришга ошиқарди. Ниҳоят-да меҳнаткаш, очикюз, тўқис тарбия кўрган, гурунговсар, ширинсўз инсон эди.

Дўстлари ва яқинлари хотирасида Абдуғафур аканинг айнан ана шу гўзал хусусиятлари ўзгача бир яшноклик билан умр-бод товланиб туравериши шубҳасиздир. Ўзидан яхши от қолдириш саодатиға эришганларнинг орамиздаги ўрни ҳеч қачон йўқолмайди.

Суратга тушдингми, Тақдирга бер тан, Мухтарлар руҳинг шу тарз абадга. Қочиб чиқолмайсан ҳеч бир суратдан, Сўқла олмайсан ҳеч бир суратга.

Турли суратларда яшайди кечмиш, Ҳатто жон қотгандек ўша онингда... Во ажаб! Сезасан ўзни беташвиш, Суратга ҳам дўстлар турса ёнингда.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири

ХОТИРА

Таёққа ип боғлаб, «автомат» ясаб, Ана «уруш-уруш» ўйнар болалар. Буни бир чеккада кузатаётган Бобосин бағрини тирнар болалар.

Бирови бекиниб елкаси оша, Аста писиб «ёв»ни нишонга олар. Қария юракда санчиқ сезару, Оғир бир хўрсиниб хаёлга толар.

Кўз олдидан ўтар мудофаа, ҳужум, Зим-зиё кечада ўқлар жаласи. Эшитилгандай бўлар жон бераётиб, Жангчининг сўнги бор инграган саси,

Асабий тус олар чоғнинг чеҳраси, Қаттиқроқ босади тишин тишига.

Шунда неваралар «ура-ура»си, Уни келтиради қайта хушига.

Пайдо бўлар бехос ҳовлида кампир, «Ириминг курсин», деб койишни бошлар. Елкалардан юлқиб «автоматлар»ни, Бирма бир синдириб ўчоққа ташлар.

Қуролсиз «жангчилар» кўз ёшин артиб, Бағрига босади бобо барини. Ҳикоя сўйларкан ўтган куллардан, Сўнг кўшиб кўяди тилакларини:

— Ёғоч қуролларни ўйнашга, майли, Майли, шўхлигингиз сира битмасин. Ҳақиқий урушни кўрмаг, милтиқлар, Минглаб елкаларга қайта ботмасин!

Отабек ИСМОИЛОВ

ФАЙЗЛИ ИНСОН

Тилимизда «файзли инсон», деган ибора бор. Ушбу таъриф, одатда, атрофидагиларнинг кўнглига ўтиришган одамларга нисбатан айтилади. Филология фанлари доктори, профессор, танқиди адабиётшунос, умрининг сўнги йилларида тарихий мавзуда бир неча асар ёзган Пирмат Шермухамедов шундай файзли инсон эди.



шуниши ва инсон руҳиятини пухта билиши кўзга ташланади. У ўз адабий-танқидий мақолаларида ижодкорнинг таланти ва бадиий диди уйғунлигига алоҳида эътибор беради. Жумладан, бир ўринда: «Дидисизлик илдиз отган жойда маҳорат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас», деб ёзади ва шу тариқа, адабий ўртамаёнчилик кўпинча дидисизлик туфайли юзга келишини очик айтади.

Илмий, публицистик ва бадиий асарларида П.Шермухамедов тегишли мазмунни муносиб шаклда ифода этишга моҳир ижодкор эканини кўрсатади, асарларининг сарлавҳасидаёқ битикларнинг моҳияти намоян бўлади. «Ишониб қийин», «Жонсиз расмлар», «Кичиктойларнинг катта дунёси», «Ижод дарди», «Рухий олам сеҳрлари», «Илмий фаразгина эмас, санъат асари ҳам», «Енмасак, ўршолик қайдадир» каби сарлавҳалар муаллиф позицияси ва кўтарилган масала моҳиятини ёрқин акс эттириши жиҳатидан эътиборни тортади.

Умрининг сўнги йилларида П.Шермухамедов улуг аждодларимиз Ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Махмуд Замахшарий ҳақида ҳужжат билан бадиий уйғунлаштирилган тарихий асарлар яратди. Бундай масъулиятли ишга қўл уришга Пирмат акадаги элга, юртга бўлган муҳаббат, халқнинг асл фарзандлари сиймосини бадиий гавдалантириб, уларнинг қадрига янада кўпроқ етмоқ истаги сабаб бўлганда. Суҳбатларидан бирида адиб ўрта асрларда яшаб ўтган алломаларимиз ҳақида бадиий асарлар жуда камлиги учун бир ёзувчи сифатида шу бўшлиқни тўлдиришга

ҳаракат қилганини айтганди.

П.Шермухамедов фақат олим, ташкилотчи ва ижодкор сифатида эмас, балки самимийлиги билан ҳам ажралиб турарди. У киши шогирдларига бўладими, бирга ишлайдиган ҳамкасбларига бўладими, доимо гамаҳурлик қилишга интиларди. Суҳбатларда, албатта, дўстларнинг қандай ижодий ишлар билан бандлиги, ижодий режалари билан қизиқар, қўлидан келганича маслаҳатлар беради. Пирмат акада ижодкор учун ибратли бир жиҳат бор эди: у киши янги асарини ёзиб бўлган наشر қилишдан олдин ҳамкасбларга ўқитиб оларди. Асари ҳақида танқидий фикрни ҳам оғринмай эшитарди.

Устоз ўта киришимли инсон ва гоёқ қизиқарли суҳбатдош эди. Шу боисдан ҳам нафақат мамлакатимизда, балки чет юртларда ҳам унинг танишлари, дўстлари бисёр эди. Негаки, унда одамларни ўзига тортувчи, уларнинг меҳрини уйғутувчи жозиба, ҳарорат бор эди.

Домла гоёқ ишчан, файзли инсон бўлганидан бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажара оларди. Бироқ иши, ташвиши кўплигига қарамай, ҳар биримизнинг оиламиздаги муаммолардан ҳам хабардор бўлар, ҳатто ижодий фаоллигимиз сувайиб қолса, танбех бериб, ишлашга ундарди. У киши биз шогирдларига: «Бу дунёда яхши одамларнинг дийдоридан бўлак яхшироқ нима бор ўзи?», деб савол бериб турарди. Чиндан-да, яқинлар ва яхшилар дийдоридан азиз нима бор?! Файзли инсонларни эслаганда уларнинг хотираси ҳам кўнгиларга таскин берадкан, демек, дийдорнинг қадрига етайлик.

Қозоқбой ЙҮЛДОШЕВ, профессор, Адҳамбек АЛИМБЕКОВ, доцент

СЎЗ МИРИШКОРИ

Ҳар бир соҳанинг ўз миришқорлари, етук дарғалари бор. Тилшунослик соҳасида кўп меҳнат қилган, сермазмун тадқиқотлар, асарлар яратган атоқли олимлардан бири профессор Шавкат Раҳматуллаевдир. Бу устоз сиймосида соҳа тараққийини ўйлайдиган, шогирд сифатида устозларини эъзозлайдиган ва устоз сифатида шогирдларига бор илмини беришга интиладиган инсон сийратини кўрамиз.

Ш.Раҳматуллаев тилшуносликнинг орфоэпия, орфография, графика, фразеология, этимология соҳаларида самарали ижод қилди. Айниқса, олимнинг фразеология соҳасига доир тадқиқотлари ахамиятли. Барқарор бирикма бўлган, халқ турмуш тажрибаси асосида юзга келадиган, унинг дунёқараши, қизиқишлари, орзу-умидларини ифода этадиган ибораларнинг ўрганилиши, таҳлил этилиши олим илмий фаолиятининг негизини ташкил этади.

Бугунги кун ўзбек тилшунослигида лугатлар муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Имло лугати, изоҳли лугат, электрон лугатлар, компьютер лугатлари маълумот беришчи манба сифатида хизмат қилмоқда. Янги турдаги электрон лугатларнинг яратилишида, лексикография тараққиётида этимологик лугатлар муҳим ўрин тутлади.

Туркий халқларнинг ҳаммасида ҳам этимологик лугат яратилган эмас. Профессор Шавкат Раҳматуллаев машаққатли меҳнатни, тинимсиз изланишни талаб этадиган эти-

мологик лугат яратишга киришди. Ўзбек тилшунослигида профессор Ш.Раҳматуллаевнинг туркий, арабча, форс-тожикча сўзлар этимологиясига бағишланган лугатлари муҳим ҳодиса бўлди. Туркий сўзларнинг шаклланишига, тараққиётига доир муҳим қайдларнинг берилиши, арабча, форсча-тожикча сўзлар этимологиясининг илк бор ўзбек тилида ёритилиши тилшунослик тараққиётига қўшилган улкан ҳиссадир. Устоз яратган уч жилдли этимологик лугат тилшуносликка оид тадқиқотларда, тил тараққиётдаги фонетик, лексик, грамматик жараёнларни изоҳлашда, тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва маданият масалаларини ёритишда муҳим манба сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Шавкат Раҳматуллаев лотин алифбоси асосидаги янги ўзбек ёзувини жорий этишда қўлланмалари билан фаол иштирок этмоқда. «Ўзбек тилининг имло лугати» (лотин алифбосида, 1995), «Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси» (1999, 2002) каби

ишларда олимнинг янги ўзбек алифбоси хусусидаги мулоҳазалари ёритилган.

Тилшунос олим ҳозирги ўзбек адабий тилининг муҳим хусусиятларини қамраб олган фундаментал дарслик яратди. Унинг бир қатор қўлланмалари талабаларнинг тил ҳақидаги билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. 128 номдаги дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар, лугатлар муаллифи иккита докторлик, ўн олтита номзодлик ишига раҳбарлик, жами ўттиз бир номдаги ишга муҳаррирлик қилган.

Сўзининг илмий қудратини таҳлил қилган олим унинг бадиий жиловини ҳам яхши анлаган. Устоз адабиётга шеърятга ошно бўлганини кўп бора тилга олади. У қарийб 70 йиллик умрини илм-фан тараққиётига бағишлади. Шу йиллар давомида устозлардан сабоқ олди, тил илми сирларини ўрганди, шогирдлар етиштирди, олган билими, тажрибалари асосидаги кўникмаларини шогирдларига етказди. Домланинг шогирдлари орасида республикага танилган бир қатор олимлар, ижодкорлар, санъат ва маданият ахлларини тилга олиш мумкин.

Атоқли олим, заҳматкаш инсон Шавкат Раҳматуллаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган. Бу — олимнинг хайрли ва машаққатли меҳнатларига берилган энг юксак баҳодир.

Ҳамидулла ДАДАБОВЕВ, Зулхумор ХОЛМАНОВА, ЎзМУ профессорлари

БАРДАВОМ САБОҚЛАР

Шоир Матназар Абдулҳаким ўзидан ёш ижодкорларга адабиёт ва санъат, илму маърифат борасида унутилмас сабоқлар беради.

Меҳру муҳаббатсиз, эътиқодсиз ижодкор қандай қилиб яхши асар ярата олади, дерди. Аслида у фақат ижодкорни назарда тутмаганди. Зеро, меҳру муҳаббатсиз киши бирор-бир ишни қўйиллатиши даргумон. Шоир назаридаги олий муҳаббат бу — қалбдаги Оллоҳга ҳамда кўз ўнгидаги бекиёс юртга садоқат эди. Шоирнинг ўзи хамиша шу меҳру муҳаббат оғушида яшарди. Она юртнинг барча гўшалари унга қадрдон ва суюкли эди. Хоразмда яшаб, пойтахтдаги адабий муҳитга Матназар оға сингари сингиб кетган шоир кам эди. Дарҳақиқат, у замонавий ўзбек шеърятининг забардаст вакили сифатида суҳрат қозонди. У мушарраф бўлган «Офарин» мукофоти ҳам шундан далолатдир.

«Истеъдоднинг табиати шундайки, у ўз эгасининг ортга қайтишига йўл қўймайди. Борган сари теранроқ ва кенгроқ ижодий фаолиятда бўлишга «мажбур» қилади. Қалб ўз йўлини топиб олаётгандек туюлса-да, тўғри топиб олинмаётган бу йўлнинг замирида узлуқсиз ва машаққатли меҳнат, тинимсиз изланиш ётади», деб ёган эди у.

Шоир устозликка давво қилмаган ҳолда яхши муаллимдек биланларини издошларига илмар, ижод сирларини уларга эринмай ўргатарди. Таъкидлаш жоизки, истеъдодли қаламкашлар Шухрат Маткаримов, Қадмаев Салаев, Ойбек Раҳим, Гавҳар Ибодуллоева, Сайёра Самандарова, Муҳаббат Тўрабоева сингари қўлаб ижодкорларнинг бугунги ижодий ютуқларида Матназар Абдулҳакимнинг ҳиссаси бор. Бу

қаламкаш укалари, сингиллари адабиётимизда ўз ўрнига эга бўлиб, азим дарахтдай буй кўрсатишини истарди. Уларнинг ютуқларидан беҳад қувонар, ҳатто ишхоналарига бориб муборакбод қилар, самимий тилакларни изҳор этарди. Албатта, шу жараёнда у бевосита Алишер Навоий ҳазратларини тилга олар, улуг устоздан илҳом олиш лозимлигини, умр бўйи ундан ўрганиши кераклигини таъкидларди.

2008 йилнинг баҳорида шоирнинг турли йилларда нашр қилинган тўпламларидан сараланган шеърлари, таржамаларидан намуналар киририлган «Жавзо ташрифи» номли китоби чоп этилди. Тўпламни ўқир экансиз, ижодкорнинг тафаккур дунёси беҳад кенглигини, бадиий маҳорати баланглигини ҳис этасиз. Бетакрор шеърлари, қандай мавзуда бўлмасин, нурли, умидбахш талқинлар билан йўғрилган.

Вафотидан бир йил олдин Наврўз айёмида гап баҳорга улашиб кетганда шоир майин табассум билан шундай деганди:

— Баҳорга нима етсин, аммо жони соғ бандига куз ҳам, киш ҳам файзли.

Бу сўзлар баҳорни муҳаббатга менгзаб, доимо уни қалбда авайлаб-асраган ижодкорнинг толмас руҳи билан касалманд жисми ўртасидаги ҳолатининг аниқ ифодаси эди. Қийналган пайтларида ҳам тушунлиқни жилмайиб енгиши биларди. Майин табассум ва ҳазилга йўғрилган лутф ҳам гўё унинг ўзига хос «асар»и эди.

Шоир бир калимага, умуман, сўзга илму ҳикмати, ўз ҳаётининг мазмун-моҳияти, келажак умидларини ҳам жойлашга интиларди. Бир ҳаваскор қаламкаш:

— Матназар оға, «жавзо» қийин сўз экан, — деганида шоир шундай жавоб қилгани ёдимда:

— Сўзнинг қийини бўлмайти, тушунишнинг қийинчилиги бўлади.


Бу, аслида ўша ҳаваскорнинг билимига берилган баҳо эди.

«Жавзо» аслида қадимий илми нуҷум асосларига кўра, кўкдаги ўн икки буржнинг биридир. Бу бурж шамсия (кўёш) йил ҳисобида баҳорнинг сўнги ойига — 22 майдан 21 июнгача бўлган вақтга тўғри келади.

Шоир инсоний муҳаббатни баҳорнинг энг гуллаган, муҳаббатнинг бекиёс парвозлари палласига муқояса қилади. Жавзо кирса еру кўк бошқа ҳеч вақтдагиға ўхшамаган қўлаблар билан бўлади.

Шоир инсоний муҳаббатни баҳорнинг энг гуллаган, муҳаббатнинг бекиёс парвозлари палласига муқояса қилади. Жавзо кирса еру кўк бошқа ҳеч вақтдагиға ўхшамаган қўлаблар билан бўлади. Жавзо ташрифи чоғида қалблар нурга тўлиб, янги фаслга қадам қўйилади. Акс ҳолда қўешнинг тафтига, ҳижронинг азобига киши бардош қилолмаглиги мумкин.

Сотим АВАЗ



«ЎҚИРМИКАН БАЙТЛАРИМ...»

бандли шеърининг ҳар бир банди «Агар ҳаётдан кетсам» деган сатр билан якунланади:

Бахтиёр, ёлғиз севгини Тупроққа қарсиз элгсам. Йилгатарканман кимни Агар ҳаётдан кетсам!

Назар Шукур ўзига хос тимсоллар кашф этиб кетган шоирлар сирасига қиради. Мана бу шеърга қулоқ солинг, унда лирик қаҳрамон аънаванавий абадиёт нишонини бўлган «тупроқ» рамзий-ифода воситасининг маъно кирраларини «тош» ва «сув» каби бўлақларга бўлади. Боз устига унда шоир ижодининг бош хусусиятларидан бири — баъшорат тенденцияси ҳам устувор:

Бир тош кўрсанг йўл ўртасида Тениб ўтма, ёр, қилиб ҳазар. Сени кутиб оёқ остида Ётар тошга айланаб Назар.



«ЎҚИРМИКАН БАЙТЛАРИМ...»

Бевафоқлик қилса гар санам Ҳайқмасдан мард эр тиг санчар. Хушёр тортиш, ичиб оит-қасам, Юрган Назар шаклида ханжар...

Мен шоир Назар Шукурни ҳаётда кўрмаганман. Аммо унинг ижод намуналари мени нафақат муҳлис, балки мутахассис сифатида ҳам мафтун этди. Шоирнинг «Мени кечир, муҳаббат» ва «Видо» каби шеърлар тўплами, «Сен қайтмасанг...» номли сайланмаси вафотидан кейин укаси, шоир ва носир Ўроз Хайдар томонидан сараланиб, нашр этилди. Сайланмага шоир ёзув столида қолиб кетган шеърлар ҳам киритилди. Китобдан профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг «Исёнкор туйғулар куйчиси» номли мақоласи ҳам ўрин олган.

Назар Шукур шеърлари шоир номи-ни кўнгиларга олиб кирмоқда.

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ, филология фанлари номзоди

ҚАРЗИМИЗ ВА ҚАДРИМИЗ

Санъат инсонни улкан жасоратларга чорлашга қодир. Ҳатто жанг майдонида ҳам ижодкор истеъдоди ўз қудратини йўқотмайди. Аксинча, ватан ҳимоячилари қалбида жасорат оловини ёқиб, галаба сари руҳлантиради. Тўғри, шоир битган шеър, хонанда ижро этган кўшиқ аскарларни душман ўқидан ҳимоялашга қодир эмас. Аммо энг қийин давларда ҳам асл санъат уларнинг қалбидаги умид чирогини сўндирмайди, Ватани олдидаги бурчини унутмасликни ўргатади.

Етмиш тўрт йил муқаддам ўзбек халқи дунёдаги кўплаб миллатлар қаторида фашистлар Германияси сиймосидаги босқинчиларга қарши курашга отланди. "Иккинчи жаҳон уруши" номи оlingан бу дахшатли муҳорабанинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиз ижодкорлари жангтоҳдаги жангчиларни мардликка чорлашни, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз бурчлари, деб билишди. Улар хавф-хатардан қўрқмасдан жанг майдонларига интилишди.

Уруш йилларида ўзбек ижодкорлари иштирокида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар нақадар кенг кўламга эга бўлганини куйидаги рақамлар кўрсатиб турибди. Ўзбекистондан фронтга икки ярим мингга яқин концерт жамоалари юборилди, уларнинг таркибига ўттиз икки мингдан ортиқ ашулчи, мусиқачи, драма артистлари жалб этилган. Ўзбек санъаткорлари бевосита жанг майдонларида ижро этган кўшиқ ва рақслар ватан ҳимоячиларининг маънавий қуролига айланди. Масалан, Ўзбек давлат филармониясининг ҳарбий-оталиқ жамоаси Биринчи Белоруссия fronti қисмлари билан биргаликда Гомелдан Варшавага қариб, саккиз ой давомида тўрт юзга яқин концерт ўтказган. Шунингдек, ўзбек санъаткорлари гуруҳи жангчилар ҳузурини бир юз қирқдан ортиқ чиқишлар қилган. Жамоа аъзолари фронтнинг энг хавфли ҳудудларига йўл олган ва жангдан кейин, аскарлар билан ижодий учрашувлар ўтказишган. Табиийки, бундай учрашувлар икки томон учун ҳам қувонч бағишлаган. Бу тўғрида атоқли адибимиз Ойбек шундай деб

ёзган эди: "...Жангчилар ва командирлар ўзбекистонлик санъаткорлар гуруҳини катта хурсандчилик билан қарши олишди. Учрашув онларидаги ҳаяжон ва қувонч таърифлашга сўз ожиз. Йигитларимиз хайрлашиб, ўз позицияларига кетар экан, фавқулодда ҳаяжон ва қувонч билан "қўшиқларингизнинг ҳар сўзи бизни душман ўқидан асрайди", дейишгани сира ёдимдан чиқмайди".

Фронт ҳудудларида ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда, айниқса, таниқли санъаткор, бетақор раққоса ва балетмейстер Тамираҳоним катта жонбозлик кўрсатганини уруш фахрийлари фахр билан ёдга олишади. Фидойи ижодкор жангчилар орасида кўпгина халқлар тилларида кўшиқлар кўйлаб, турли халқ рақсларини маҳорат билан ижро этиб, ўзининг юксак санъатини намойиш қилди. Тамираҳонимнинг уруш ҳақидаги хотира-хикаяларида шундай жумлалар мавжуд: "Мен уруш йилларида фақат кўшиқчи ёки раққоса сифатидагина эмас, балки маънавий тарғиботчи бўлганим билан ҳам фахрланаман. Бирор ҳарбий қисмга бордик дегунча, унинг командирларидан бу ерда бизнинг юртдошларимиз — ўзбеклардан қанча аскар хизмат қилаётгани, ахлоқ-одоби, хизмати ҳақидаги маълумотларни сўраб-билиб олардим. Концертлардан сўнг улар билан суҳбатлашиб, ўзбек халқининг ўз жигарбанд-фарзандларига ёзган хатини ўқиб берардим."

Ўзининг оташин сўзи билан Тамираҳоним жангчи ва командирларнинг жанговар руҳини кўтара олди ҳамда юксак жанговар тайёргар-

лик ва душманни енга олишдек ҳарбий санъатни эгаллашга руҳлантирди. Фронтда олиб борган фидокорона меҳнати учун Тамираҳонимга капитан ҳарбий унвони берилди.

Ўзбек санъаткорлари жангчиларни Ватани душмандан озод этишга ундаш билан бирга, ҳатто шахсий жамғармаларини ҳам мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга бағишладилар. Масалан, композитор Мухтор Ашрафийнинг уруш йилларида ёзилган "Қаҳрамонлик" симфонияси давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу мукофотнинг пулини композитор танк ва самолётлар яшаб учун фронтга ҳада этди. Тамираҳоним ҳам 1941 йилда унга берилган 50 минг сўм миқдоридagi Давлат мукофотини Мудофаа фондига ўтказган. Унинг ансамбли жамоаси эса 1942 йилда жанговар самолёт қуриш

Жасорат, Матонат, Бурч

учун 90 минг сўм ўтказган бўлса, 1944 йилда Челябинск вилоятида берган концертларидан тушган маблағ ўша вақтдаги Челябинск танк заводи фондига топширилди. Кейинчалик завод директори генерал-майор Залыцким шу маблағ ҳисобидан ишлаб чиқарилган жанговар машина ўзбекистонлик танкчилар экипажига берилганини хабар қилган.

Юқоридаги тарихий далиллар ўзбек халқи, фидойи санъаткорларимизнинг уруш йилларида кўрсатган жасоратига кичик бир мисол ҳолос. Жанг майдонларида неча минглаб юртдошларимиз Ватан ҳимояси йўлида кўксини қалқон қилди. Улар орасида неча-неча истеъдодли ижодкорлар, бўлажак шоир ва ёзувчилар, мусаввирлар бор эди! Улар юрт озодлигини асраш йўлида бор кучи, заковати ва истеъдодини бахшида этишди. Бугунги озод, тинч ва осойишта кунларда уларнинг номини хотирлаш ва эъзозлаш биз авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Аҳмаджон РЎЗМЕТОВ

ТАЯНЧ БЎЛИНГ

Ана кўринг,
Бир кўр боғча боласидай,
Бир-бирини етаклашиб,
Бир-бирини аяб, суяб,
Келмоқдадир бир-бир юриб
Олов кечган, уруш кўрган,
Жангу жадал ичра юрган
Марди майдон отахонлар!

Душман узра қуюн бўлиб ёпирилган —
Кули кўкка соурилган!
Душман кимлар? Улар билар,
Уруш нима? Улар билар.
Бир пайт улар лочин каби,
Самоларда гиз-гиз учган.
Нақ ажалнинг чангалида,
Этик ечмай, дарё кечган.

Улар бизнинг оримиздир,
Виждонимиз, боримиздир,
Тоғимиздир, боғимиздир —
Тоғимиздир гуркираган!
Ватанинг ҳар гиёҳини,
Кўзга суриб,
Авлодларга озод, обод Ватан бериб,
Давраимизда мағрур турган.

"Ватан севсанг, жондан сев!", деб
Матонатдан сабоқ берган —
Бобоқонлар, отақонлар, онақонлар!
Улар бизнинг гуруримиз,
Шаънимиздир, суруримиз!
Қани, туринг,
Таянч бўлиб, қанотига
Битта-битта сиз ҳам кириг —
Болақонлар, долақонлар,
Жонақонлар!
Болақонлар!

Ўқтам МИРЗАЁР

Евгений ГАДЕТСКИЙ,
рассом, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси:

МЕН ЎЗБЕК РАССОМИМАН

— Иккинчи жаҳон уруши воқеалари хотирада мураккаб бир сурат мисол муҳрланган. Инсоният тарихининг энг жоғоли саҳифаларидан бирига айланган жангу жадаллар, миллионлаб одамларнинг оху ноласи ҳамон қалбимда яшайди. Тўғри, бизнинг авлод жуда кўп оғир синовларни бошдан кечирди. Лекин ҳеч нарса уруш балоси каби дахшатли жоғоаларга олиб келмас экан.

Хотира дафтаримни варақлай бошлашману қаршимда навқирон бир йигит сиймоси гавдаланади. Ҳа, Иккинчи жаҳон уруши мени ўз гирдобига торган пайтда эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган ёш ижодкор эдим. Ўша пайтларда мўйқалам энг яқин дўстимга айланганди. Ҳаётни турфа ранг ва шакллarga бой гўзал санъат асарни мисол тасаввур қилардим. Қалбимда мусаввир бўлиш орузи жўш урарди. Назаримда, ҳеч бир куч мени бу йўлдан чекиншига мажбур қилолмади.

Аммо уруш шафқатсиз тўфон мисол ҳаётингга кириб келаркану барча орзуларингни остин-устун қиларкан.

1942 йили Сталинград остоналаридаги муҳорабаларда илк бор душман билан юзма-юз келдим. Урушнинг дастлабки ойларидаги оғир мағлубиятлар юрагимда нафрат, қасос туйғусини йўқотганди. Душман аскарларини кулранг дубулга кийган зулмуқорлар қиёфасида тасаввур қилардим. Аслида эса ҳаммаси мен ўйлагандан кўра бошқача бўлиб чиқди. Душманларимиз ҳам биз сингари оддий одамлар экан. Улар орасида ҳам менга ўхшаб ёш йигитлар, ижодкорлар жанг қилишарди. Шундагина муҳиш бир ҳақиқатни англаб етдим. Иккинчи жаҳон уруши бу аслида дунё халқларининг узаро кураши эмас, балки жоҳил мафқураларнинг ҳокимияти талоши экан.

Жанг майдонларида шундай дахшатли саҳналарга гувоҳ бўлдимки, урушни ёвуз рассом тисолида тасаввур қила бошладим. Милтиқ урушнинг мўйқалами бўлса, инсон қони урушнинг бўёқлари, тинч ва осойишта мамлакатлар уруш бошлаш учун зарур бўлган оқ матога ўхшарди. Хар бир асарни яратиш учун минглаб қурбонлар

талаб этиларди. Уларнинг сони қанчалар кўп бўлса, рассом маҳорати шунчалик юқори баҳоланарди. Бу ҳаёллар мени ларзага солар, ҳалокатли урушнинг охири йўқдек туюларди. Қалбимга фақат биргина ўй умид бағишларди: "Мен ўша Ватанимни ҳимоя қилмоқдаман. Бу йўлда жонимни қурбон қилсам арзийди".

Фикримча, ана шу туйғу мени уруш балоларидан омон асради, келажакка ишонч уйғотди.

Қалб кўзи



Иккинчи жаҳон уруши ижодий тақдиримда ҳам ўзига хос синовга айланганди. Аскарлик чоғимда қўлимда доимо милтиқ турса ҳам мўйқаламга бўлган муҳаббатимни унутмадим. 1944 йили бомбардирмонлар натижасида бошимдан оғир ярадор бўлдим ва хотирамни йўқотдим. Аммо ижодкорлик эътиқодини бой бермадим. Мени хушимга келтирган шифокор "Сен кимсан?", дея савол берганда, исимимни қаерда туғилганимни эслаб олманган. Лекин унга "Мен ўзбек рассомиман", дея жавоб қайтарганман.

Ҳоҳида муҳлислар уруш хотираларини нега оқ матога туширмаслигини сўрашди. Барчаси худди кегагидек ёдимда бўлса ҳам, негадир қўлим сира бу ишга бормайди. Уруш якунлангандан сўнг Рассомлик институтига ўқидим, профессионал ижодкор сифатида шаклландим, яратган асарларим муҳлислар орасида машҳур бўлди. Қўллаб-қувватлар тарбиялаб, ўзбек тасвирий санъати ривожига ўз ҳиссамни қўшишга эришдим. Аммо қони уруш воқеаларини ижодимнинг асосий мавзуга айлантиришга интилмадим. Негаки, инсон учун энг муҳими ўтмишга қараб тўғри сабоқ чиқариши. Мен ҳаётимдаги энг муҳим сабоқни етмиш йил муқаддам олган эдим. Ҳозир эса Истиқлол шарафати билан тобора кўркамлашар, зонавий кўриниш касб этиб бораётган ана Ватаним — Ўзбекистоннинг гўзал манзараларини, бахтли замондошларим сиймосини яратиш орузида яшамоқдаман.

Малика НУРИДДИНОВА ёзиб олди.

ЙЎЛДАГИ ОДАМ

Ҳар сафар Маҳкам ака билан учраганимда ўйлаиб қолам. У киши худди олис ва машаққатли йўл босиб келаётган кекса сайёҳга ўхшаб кетади. Худди Тур Хайердал ва Жак Ив Кусто каби...

Бу машҳур сайёҳлар олам кезиб, денгизу уммонларда сузиб, сув сатҳи ва сув ости дунёсини ўрганган, тадқиқ қилган бўлсалар, Маҳкам Муҳаммадов улардан фарқли ўлароқ, телевидение, театр ва кино оламида изланишлар олиб борган, ҳозир ҳам шу соҳаларда ҳормай-толмай фаолият юритиб келаётган инсон. Тўғри, у ҳам дунё кезган, у ёғи Францияю Америкадан тортиб, Болгарияю Суриягача сафарларда бўлган, кўпни кўрган. Ҳаёт йўлида жуда кўплаб воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган, сермазмун умри давомида кўплаб устозлардан, Г.Товстоногов, А.Эфрос, М.Григорьев, И.Радун, П.Брук, Т.Ҳўжаев каби атоқли режиссёрлар, педагоглардан таълим олган, Л.Саримсоқова, О.Ҳўжаев, С.Табилуллаев, М.Ҳамидова, Я.Абдуллаева, Т.Орипов сингари машҳур санъаткорлар билан ҳам ижодий ҳамкорлик қилган, Миртемир, Асқад Мухтор, Туроб Тула, Чингиз Айтматов, Раҳмат Файзий, Саида Зуннуова, Улмас Умарбеков сингари шоиру адиблар билан учрашган, мулоқотда бўлган.

Маҳкам ака табиятдан ўта камтар бўлгани учун булар тўғрисида қарийб гапирмайди. Аслида-

ку, оғзини тўлдириб, мақтанса арзигулик ишлари кўп. Узоққа бормайлик, биринчи ўзбек телевизион бадийи фильми "Азиза-хон" (Ж.Абдуллахонов асари асосида)ни у суратта олган. Биринчи ўзбек телефильми, биринчи телевизион ҳужжатли фильми, биринчи телепортретлар ва биринчи ўзбек телесериали "Кўнгил кўчалари" (М.Бобоев асари)ни ҳам у яратган. ТВ соҳасида кўп масалаларда биринчи, ўзбек "ойнаи жаҳон"нинг илк қалдирғочларидан бири.

Ўз вақтида республика Ёш томошбинлар театрида, О.Ҳўжаев номли Сирдарё вилоят драма театрида бош режиссёрлик қилган. "Ўттиз ёшлар", "Ричард III", "Имзо", "Ҳаммом", "Оқ кема", "Ўз уйингдасан", "Гаврош", "Кўнги-роқки ёлгончи" сингари ўнлаб спектакллари муваффақият билан саҳналаштирилган.

Санъат педагогикаси ҳам ўз ўрнига эга. Турли йилларда ҳозирги Маданият коллежи ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ёшларга сабоқ берган. Шоирларни кўп. Ҳаммалари Маҳкам акани "устоз", "домламин" деб фахрланиб юрадилар. "Режиссура асослари" ("Бадийи асарлар устида ишлаш"), "Телевидение режиссураси", "Ногоҳ", "Устозлар изи-

дан" сингари илмий асарлари, тадқиқотлари, ўқув қўлланмалари чоп этилган. А.Миттанинг "Жаннат ва жаҳаннам аро кино" китобини ўзбек тилига таржима қилган. Ҳозир ҳам институтда дарс беради, илмий даражаси — профессор.

Ҳуқуқимиз таниқли режиссёр ва педагогнинг кўп йиллик меҳнатларини муно-

Икки оғиз дил сўзи

сиб баҳолаб, уни "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" фахрий унвонлари билан тақдирлаган.

Маҳкам ака бу йил — "Кексаларни эъзозлаш йили"да табарруқ 80 ёшга тўлган бўлса ҳам, сира тиниб-тинчимади. Ҳали институтда, ҳали бирор тадбирда, ҳали янги спектакл ё филм премерасида, ҳали тенгқур ҳамкасблари ва шоғирдлари даврасида бўлади. Унинг куч-ғайратига, қувваи хофизасига, меҳнатсеварлиги, тетиклигига ҳаваси келади кишининг. Шунча пайтларда ҳазиллашаман. "Маҳкам ака, сиз тузилган замонларда ҳужжатларга яхши эътибор берилмаган. Сизнинг ёшингизга ҳам қўшиб ёзиб юборишган бўлса керак!" дейман. У киши майин қулмишайди ва "О, қанийди, шунақа бўлса" деб кўяди.

Шундай пайтларда у яна олис ва машаққатли йўллари босиб келаётган кекса сайёҳга жуда-жуда ўхшаб кетади...

Биз эса устознинг умри ҳам, йўллари ҳам узоқ бўлишини тилаб қоламиз!

Эркин УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

БИЗ БИЛГАН СОДИҚ АКА

Санъат. Ижод. Фидойилик. Бу сўзлар замирида улкан маъно-мазмун мужассам. Уларни шунчаки талаффуз этиб бўлмайди, ҳар бири ўзига хос юкка, масъулиятга эга. Ҳаётда шундай касблар борки, бу сўзларсиз унинг залворини тасаввурга сигдириш мушкул. Бевосита ҳаётимиз мазмунига айланиб бўлган фото-тасвир санъатига ҳам тааллуқли бу.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг узоқ йиллар давомидаги нашрлари жамланган таҳламларини кўздан кечириб, матбуот саҳифаларида фотосуратларнинг салмоқли ўрни борлигини англайсиз. Ранг-баранг мавзудаги асарлар орасида Содиқ Маҳкамов суратга олган халқимизнинг таниқли адиблари, санъаткорлари портретлари, гўзал табиат манзаралари ва этюдлар, албатта, эътиборингизни жалб этади. Маҳоратли фотосуратчилар оз эмас. Лекин Содиқ акадаги тийрак ногоҳ, ҳар бир шахсга санъаткорона ёндашув, ички сезги, бетақор лавзаларни илғаш ҳисси ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

— Қўлимга суратта олиш камерасини олган пайтларимни яхши эслаيمان, — дейди Содиқ ака. — Матбуот саҳифаларида босилаётган турли мавзудаги суратларни кўрганимда, менинг асарларим чоп этилишини жуда-жуда ораш қилардим. Илк бор тасвир олган суратим газетада босилгандаги ҳаяжонни ҳалигача ўзимда ҳис этаман. Ўша пайтларда, чамаси, ўн икки ёшда

эдим. Болалар лагеридан суратлар олишга киришиб юбордим. Озрок вақт ўтиб улардан бири газетада босилиб чиқди. Сурат тагидаги исм-шарифини ўқиб ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Сурат учун қалам ҳақи ҳам олдим ва уни отамга олиб келиб бердим. Отам раҳматли пулни кўларига олдиларда, кўзларидаги ёшни билинтирмай аста ардилар, кейин "Уял болада доим пул бўлиши келарак, ўзинг ишлаптин", деб қайтариб бердилар. Кетосуратчилар оз эмас. Лекин Содиқ акадаги тийрак ногоҳ, ҳар бир шахсга санъаткорона ёндашув, ички сезги, бетақор лавзаларни илғаш ҳисси ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

— Қўлимга суратта олиш камерасини олган пайтларимни яхши эслаيمان, — дейди Содиқ ака. — Матбуот саҳифаларида босилаётган турли мавзудаги суратларни кўрганимда, менинг асарларим чоп этилишини жуда-жуда ораш қилардим. Илк бор тасвир олган суратим газетада босилгандаги ҳаяжонни ҳалигача ўзимда ҳис этаман. Ўша пайтларда, чамаси, ўн икки ёшда

Юртимиз ва хориж мамлакатларида бўлиб ўтадиган адабиёт, санъат кунларини Содиқ акаси тасаввур

қилиш мушкул эди. Кўпга учрашувлар, турли адабий-бадий кечаларнинг бетақор лавзалари акс эттирилган суратлар газетада мунтазам босилиб турди. Табиатнинг бетақор манзаралари, ҳайвонат ва наботот дунёсидаги ғаройиб ҳодисаларни Содиқ ака тасвирларга ижодкорлик билан муҳрлади. Булардан ташқари кўпга таниқли шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар билан бўлиб ўтадиган суҳбатлар, улар ҳаётини акс эттирган сурат-лавзалар ҳам ижодкор назаридан четда қолмади. Газета йиллар давомида Содиқ акани элга танитган бўлса, ўз навбатида Содиқ ака ҳам машҳур санъаткорларни, зиёлиларни халқ назарига олиб чиқди. Жумладан, халқимизнинг улуғ шоираси Зулфия Содиқ ака ижодига шундай баҳо берар экан, куйидаги мисраларни битади:

... Ҳаммаси: байрамми, тўйми ё меҳнат,
Кўзимиз олдида бўлар намоён.
Ва хар гал юракдан Сизнинг бебиннат,
Саъятингизга тахсини эгамиз баён.

— Маза қилиб ишлайдиган замон келди, — дейди Содиқ ака истиқлол даври фоторассомлари учун яратилган имкониятлар ҳақида сўз борганда. — Рақамли фотоаппаратларнинг янги-янги авлодлари яратилляпти. Хоҳлаган кўринишда, истаган ҳажмда суратга олиш имконияти бор. Танлаган касбинга чин кўнгилдан ёндошсанг, албатта, қадр топишинг бор ҳақиқат. Энг



асосийси халқнинг ташвишию қувончи билан яшаш лозим. Шоғирдларим кўп. Рустам Шарипов, Абдувоҳид Тураев, Даврон Аҳмедов... Уларнинг бири-биридан гўзал суратлари ва имкониятларини кўриб ҳавасим келади.

Кексалари қадр топган, эъзозланган юртининг келажаги порлоқ, қадамлари залворли бўлади, деб бежиз айтишмаган. Дастурхоннинг тўкинлиги, инсонларнинг бир-бирига меҳри, очик чеҳра, табассум билан боқишлари юртининг тинчлигидан, осойишталигидан далолат. Бундай юрта дуога қўл очиб яшаш, яхши тилақларда бўлиш янада завқли. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Содиқ Маҳкамов етмиш ёшда ўз фарзандлари ва набиралари даврасида тинч ва осойишта яшаш бахтига муряссар бўлган инсонлардан.

Асқор СУЛАЙМОНОВ

МАТОНАТ МАДҲИ

Хотира ва кадрлаш қуни муносабати билан Ўзбекистон давлат консерваториясида концерт дастури бўлиб ўтди. "Сўғдиёна" миллий чолғулар камер оркестри, Консерватория қошидаги Мусиқали театр студияси хор жамоаси ҳамда ёш ижодкорлардан ташкил топган гуруҳлар иштирокида ўтган кечада Ватан озодлиги, юрт тинчлиги йўлида жонини фидо қилган ота-боболаримизга бағишланган мусиқий асарлар ижро этилди.

Йилгиланган яқяхон хонандаларнинг оркестр жўрлигидаги кўшиқларидан тортиб хор жамоаларининг ранг-баранг чиқишлари, скрипка, гитара каби чолғулардаги бетақор ижроларини тингладилар. Айниқса, 26-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ёш ижодкорларидан ташкил топган хор жамоаси кўшиқлари фахрийларнинг алоҳида олқишига сазовор бўлди. Икки жаҳон уруши иштирокчиси, композитор Аҳмад Жабборов таъкидлаганидек, ёш истеъдодлар томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар, уларнинг қувончга тўла шодон кулгиси халқимизнинг мард ўғлонлари жасорати бугун тинч-осуда ҳаётимизга замин яратганидан далолат беради.

Хонзода ҲАСАНОВА, талаба

КЕКСАЛАР МАМНУН

Ўзбекистон Амалий санъат музейида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган "Озод юрта эъзоз топган мўътабарларим" номли кўргазма ташкил этилди. Унда музей захирасида сақланаётган қадимги санъат асарлари ҳамда замонавий хунарманд усталар томонидан яратилган турли амалий санъат намуналари намойиш этилмоқда. Экспозициядан ўтган асрнинг 50-90-йиллари мобай-

Тадбир

Расул ҲАМЗАТОВ,
Доғистон халқ шоири

ТУРНАЛАР

Гоҳ шундай туюлар, шаҳид аскарлар —
Қояли жангтоҳ ичра тупроқ кучганда,
Қаро ерга сингиб кетмаган улар,
Ошноқ турна бўлиб кўкка учганлар.

Узоқ ўтган ўшал кунлардан буён
Парвоз қилиб, нидо берадилар зор.
Балки шундан мудом кўзимиз гирён,
Сомоларга сўзсиз боқармиз почор?

Бугун тушар экан оқшом, кунботар
Туман ичра аён бўлар турналар.

Саф-саф тизилишиб, учишар қатор
Далаларда юрган одамга менгзар.

Олис-олисларга парвоз қилган дам
Кимларнидир чорлар само йўлига.
Балки шундан турна полалари ҳам
Минг асрим, ўхшар авар тилига.

Учар, учаверар бу ҳорғин гала
Туманли шафақнинг алволарида,
Самовий занжирда бўшдир бир ҳалқа —
У менинг жойимдир, осмон бағрида!

Кун келар, турналар занжири аро
Туманли осмонда кечса сафарим,
Само қуши бўлиб қилгайман нидо
Сизга, эй Заминда қолдирганларим.

Рус тилидан ҲУМОЮН таржимаси.



Менинг назаримда қонли жанглардан
Уйғар қайтарган эфъриятлари
Она тупроққа босиб қолган yerда
Орпоқ татмағарга ятланган бағри

Мне кажется порою что следы
С кровавых не прошедших войн
Не в землю нашу попали когда-то
А превратились в сельы живаго

Отам, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин ибратли умр кечирди:
ундан ўнлаб романлар, қиссалар, достонлар, баллада ва шеърлар,
таржима асарлари мерос қолди. Адиб вафотидан кейин ҳам бир
қанча китоблари нашр этилди. Чунинчи, 2008 йили отамнинг
дўстлари, ҳамкасблари, шогирдларининг хотиралари, дил сўзлари
ўрин олган “Сизни эслаб” номли китоб нашрдан чиқди.

Шундан сўнг яна кўплаб ижодкорлар отам
ҳақидаги хотираларини ёзиб тақдим этиш-
ди. Айни кунларда ана шу кўлёмалар асо-
сида “Мирмуҳсин замонадошлари хотираси-
да” китобини нашрга тайёрлабман. 2011
йилда ҳикоялар, қиссалар жамланган бир
жилдлик “Сайланма” ва “Илон ўчи” номли ро-
маннинг янги наشري босмадан чиққанди.

Отамнинг асарларини нашрга тайёрлаш
жараёнида қайтадан ўқиб чиқиб шунга амин
бўлаётганим, кўплаб асарлари асосида ки-
нофильмлар яратса бўларкан.

Кесалик даврида отам кўпқаватли уйда
яшади. Тўрт хонали уйнинг барча хонала-
рида жавонлар бор, улар сара китоблар
билан тўла эди. Ёшлиқидан то
ҳаётининг сўнгги кунларига
чача отам китоб сотиб олган.
Жаҳон адабиёти намояндала-
ри, устозлар ва ёш ижодкор-
ларнинг асарлари, турли
фанларга оид монография-
лар, отамнинг Ўзбекистонда,
қўшни республикаларда, чет
эларда нашр этилган юздан
ортик китоби таҳлиб туриб-
ди. Китобларнинг ярмига
дастхатлар битилган.

Отам: “Мақтаб ёшига ет-
гимча оилада, қариндош-
уруғлар орасида “хаёлпараст
бола” номини олиб, китоб йи-
ғиб, ўзимнинг мўъжазгина кутубхонамни
ташқил этганман”, деб гапирганди. Ана шу
кутубхонани у киши умр бўйи тўлдирди.

Кутубхона деворида адибга яқин киши-
ларнинг суратлари илинган. Тўрда бобом
ва бувимнинг суратлари бор. Отам баъзан
девордаги суратга қараб: “Дадам кўлигил
кулло адиллар. Шу ҳунар орқасидан кун
кечирардик. Чарҳда лойдан турли идишлар
ясаб, ҳовлимиздаги хумдонда пиширарди-
лар. Мен ҳам қарашардим. Онанг келин
бўлиб тушгач, енг шимариб, чойнак-пиёл-
ларга гул чизган. Буving раҳматли онан-
ги кўп мақтардилар, дуо қилардилар. Қай-
нона-келинин чурқ этиб овозлари чиққан
эмас”, деб эсларди.

Бугун отамнинг кутубхоналарида ўтириб,

у кишининг тез-тез: “Билаги зўр бирни ен-
гади, билими зўр мингги енгади”, деган
мақолни такрорлаб туриши ёдимга туша-
ди. Отам тўплаган китобларни биз фарзан-
длари, набиралари, қариндошлар ҳам ўқиб
туришарди.

Адиб мухлисларидан, ижодкор-ҳамкасб-
ларидан кўплаб мактублар олган. Уларга жа-

“Уста Ғиёс” поэмаси мисолида ҳам кўриш
мумкин. Чунки бу асарнинг кейинги нусха-
си жиддий қайта ишланиб, янги деталлар
билан бойитилди. Она юртингиз Ўзбеки-
стон ва унинг ажойиб кишилари амалга
ошираётган ишлар ҳамда уларга тинчлик
бермаётган ташвишлар ҳақида аниқ детал-
лар воситасида ҳароратли шеъ-
рий лавҳалар яратилган...”. Кел-
ажакда, албатта, бундай адабий,
ижтимоий аҳамиятга эга мактуб-
ларни ҳам нашрга тайёрлаш ния-
тим бор.

Адиб фақат ижод билан шуғулланмасдан,
устоз сифатида кўпчилик ижодкорларга
ёрдам берган, ёшларни қўллаб-қувватла-
ган. Бу ҳақда унинг шогирдлари, дўстлари
кўп эслашади.

серғайратлиги қўл келган бўлса, иккин-
чидан, бу онаминг фидойилиги, оқила ва
меҳрибонлиги самараси, деб биламан. Онам
рўзғордаги муаммоларни илҳом борица
билдирмай, ижод учун тинч ва хотиржам ша-
роит яратган.

Нафақага чиққанидан кейин отам
ижодга янада берилди. Кўча-
га камдан-кам чиқарди, бе-
шичи қаватдаги хонадонда
онам билан бир оғиз-ярим
оғиз гапда бир-бирларини
тушуниб яшади. Онам касал бўлганида
ҳам отам худди гўдак болани парвариш-
лагандек атрофда парвона бўлди. Отам
ҳам, онам ҳам ҳаётда энг муқаддас нар-
са оила, энг буюк туйғу меҳр-муҳаббат,
вафо деб билишарди. Ҳозирги кунда
отам билан бирга ишлаган ижодкорлар-
ни уchrтсам, улар отамдан кўрган яхши-
ликларни гапириб беришади. Бундан
кўнглим кўтарилди, фахрланаман.

“Севгил она юртни то ўлгунингча!” деган
эди бир шеърда отам. Атоқли адиб, чин-
дан-да, она юрти, халқини сидқидилдан
севди ва сўнгги нафасигача бу сеvgига
содиқ қолди. Инсон ўз юртини, халқини,
оиласини сеvса, шу йўлда хизмат қилса,
ҳеч кам бўлмас экан. Бундай инсонларни бу
дунёдан ўтганидан кейин ҳам эзгу ишлари
доим эслатиб туради.

Гулюз МИРМУҲСИН қизи

“СЕВГИЛ ОНА ЮРТНИ ТО ЎЛГУНИНГЧА”



воб ҳам ёзган. Масалан, маш-
хур ижодкорлар А.Фадеевнинг,
А. Лохутийнинг Мирмуҳсинга
ёзган мактублари ҳақида ай-
рим мақолаларда қайд этилган.
Мендан мухлислари адибнинг
хатлари, ёзишмалари сақлан-
ганлиги, келажакда уларни нашр
қилиш ниятингиз борми, деб
сўрашади.

Ҳақиқатдан ҳам “Умид” ро-
мани нашр этилиб, китобхон-
лар кўлига етгач, отам жуда
кўп хатлар олган эди. Ёдимда,
ўша йиллари ҳар кун ишдан

қайтаётганларида, мактублар кўплигидан,
улар махсус қолларда олиб келинардди. Бу-
ларнинг ҳаммаси кутубхонада сақланади. Бу
хатлар орасида А.Фадеев, Н.Тихонов,
С.Шчипачев, С.Вургун, И.Ле, В.Инберлар-
нинг отамга ёзган мактублари бор. Мактуб-
ларда, асосан, рус тилига таржима қилин-
ган асарларига берилган баҳо, улар ҳақида-
ги фикр-мулоҳазалар битилган. Жумладан,
рус шоираси В.Инбер мактубида шундай
ёзган: “Ёш ёзувчиларнинг семинари қат-
нашчилари эътиборини сизнинг “Вафо” ва
“Уста Ғиёс” поэманингиз торди. Бу асарлар
ижодий имкониятингиз кўп нарсаларга қодир
эканлигини намойиш этди. Бу асарларда
шоир Мирмуҳсиндан муҳаррир Мирмуҳсин-
нинг талабчанлиги устун келган. Буни ҳатто

Кишининг ишдаги, жамиятдаги муваффа-
қиятига унинг хонадонидидаги муҳит қанот
бағишлайди, деган гап бор. Мен отамнинг
ҳаёти ва ижодини онаминг кўмакларисиз
тасаввур қилолмайман. Катта ижодий мерос
қолдиришида, албатта, биринчидан, отам-
нинг тугма қобилияти, меҳнатсеварлиги ва

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

2015 йил, 2-сон

Ўзбекистон халқ шоири Омон
Матжоннинг юрт шаъни шараф-
ланган шеърларидан таркиб топ-
ган янги туркумини, шунингдек,
Минхониддин Мирзо, Мақсуда
Эгамбердиева, Очил Тоҳир,
Замира Рўзиева, Аҳмад Ҳасан ва
Санобар Меҳмононовнинг шеъ-
рларини журналнинг ушбу сонид-
да ўқийсиз.

Насрий асарлар қаторида
Наби Жалолдиннинг “Тегиримон”, Му-
родбой Низановнинг “Душман” романла-
ридан, Нўмонжон Раҳимжоновнинг “Жим-
жит жолалар” кассасидан
танланган боллар ҳамда
Комил Авазининг “Ўқит
момо” ҳикояси ва Усмон
Кўчқорнинг “Имом Бухорий” номли тари-
хий-шеърий драмасынинг якуний қисми
билан танишасиз.

“Адабиёт — олдинда ёнган чироқ” сар-
лавҳаси остида бериб борилаётган давра
суҳбатиди бу гал адабиётшунос ва ношир
Санжар Назар, шоира Ойгул Асилбек қизи
ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок

этишган.
Шарқ ва Ғарб адабиёти намуналари,
мумтоз адабиётимизнинг нодир асарлари,
адабиётшунослик ва адабий жара-
ённинг долзарб мавзулари ёритил-
ган тадқиқот ва мақолаларга ҳам
журналнинг ушбу сонидида кенг ўрин
берилган. Айниқса, Р.Баргининг “Му-
аллиф ўлими” (Р.Ҳайдарова таржи-
маси), Э.Фроммининг “Инсон қалби”
(таржимон А.Абдуқодиров) асарла-
ри, “Қалила ва Димна” (форсчадан
С.Ғаниева таржимаси) ҳикоятлари-
дан намуналар, С.Ашурнинг таниқ-
ли болалар шоири Т.Адашбоев ижо-
дига бағишланган тадқиқоти, адабиётшу-
нослар У.Норматов, С.Аҳмедов, А.Улуғов,

Журналларни варақлаганда

Б.Тўхлиев ва бир қатор ёш тадқиқотчилар-
нинг мумтоз адабиётимиз, замонавий ўзбек
насири ва назми тадқиқига доир адабий-
танқидий мақолалари, илмий изланишлар-
и, бухоролик ёш қаламкашларнинг шеъ-
рий машқлари журналнинг ушбу сони мун-
дарижасини ранг-баранг қилган, ҳар жи-
ҳатдан бойитган.

қикот-мақолаларда ада-
биётшунослик ва тилшу-
носликнинг турли мавзу-
лари қаламга олинган.
“Алпомиш” дostonида
аёллар образи (С.Йўлдо-
шева), Усмон Азимнинг
характер яратуш маҳора-
ти (М.Ғолимова), бадий
адабиётда сўз ва оҳанг
уйғунлиги (У.Расулова),
шеърий таржимада
қофия муаммоси (Ф.Сапаева) каби мавзу-
лар таҳлилига бағишланган тадқиқотлар
шундай илмий изланишлар сирасидан.

Т.Мирзаевнинг “Фольклор илми ва таъ-
лими жонкуяри” мақоласида таниқли
фольклоршунос Мухаммадодир Саидов
ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ёритил-
ган бўлса, Б.Йўлдошев ва У.Рашидовнинг
тақризиди Ш.Ғаниевнинг “Ўзбек фразеол-
огизмларининг структур тадқиқи” моногра-
фияси ҳақида фикр юритилган.



“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”

2015 йил, 2-сон

Журналнинг илк саҳифаларида атоқли
шоира Зулфиянинг ижоди тадқиқига бағиш-
ланган адабиётшунос олимлар Н.Каримов,
Б.Назаров ва Й.Солижонов мақолалари
босилган. Бу тадқиқотларда Зулфия шеъ-
рияти мустақиллик даври нуқтаи назари-
дан баҳоланган, адабий алоқалар ривожид-
да шоирнинг хизматлари, унинг ижоди
ўрганилган манбалар таҳлилига эътибор
қаратилган.

Тилшунослардан А.Маддалиев ва Ф.Му-
саеванинг ўзбекча-русча лугатчилик тари-
хи ва бугунги муаммоларига, шунингдек,
М.Ҳакимов, С.Қурбонов ва Д.Худойберга-
нованинг тил илмига доир мақолалари ҳам
ушбу сонда эълон қилинган.

“Илмий ахборот” рункида берилган тад-

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

ЖАНГГОҲЛАРДА ТОБЛАНГАН ИЖОД

Атоқли шоир, адиб ва драматург Константин Симо-
нов (1915 — 1979) Петроградда ҳарбийлар оиласида
таваллуд топган. Отаси Биринчи жаҳон уруши жан-
гоҳларида ҳалок бўлгани боис, уни ҳарбий билим юрти
ўқитувчиси бўлган ўғай отаси тарбиялаган. Шу тариқа
унинг маънавий тасавури ва поэтик тафаккури ёшлик
йиллари ва оиласи билан боғлиқ ҳолда шаклланиб
борди. Онаси Александра Ивановна шеърлар ёзиб,
фарзанди қалбиди адабиётга меҳр уйғотди. Адиб тар-
жимаси ҳолида ёзганидек, ёшлиги Рязан ва Смоленск-
даги командирлар яшайдиган ётоқхоналарда ўтди, ҳар-
бийлар ҳаёти бир умр қалбига муҳрланиб қолди.

Бўлғуси адиб 1934 йили дастлаб кечки ишчилар
Адабий университетиди, иккинчи курсдан бошлаб эса,
Адабиёт институти кундузги бўлимида ўқишни давом
эттиради, кўплаб шеърлар ёза бошлади. Шу йиллар-
да “Уч ака-ука”, фуқаролар урушига доир “Партизан”,
“Кампир”, “Сандик”, Пушкин ҳақидаги “Уч кеча” каби
асарлари ёзилади. Айни мана шу даврда унинг ижо-
дидида бош хусусият — қахрамонлик ва жасорат мав-
зуси шаклланиб борди. “Ғолиб”, “Муз киргини”, “Су-
воров” каби достонлари, “Бир муҳаббат тарихи”, “Шаҳ-
римиз йигити” каби пьесалари шулар жумласидандир.
1941 йилдан ҳарбий газетанинг муҳбири бўлган Си-
моновнинг уруш йиллари лирикаси унинг шухратини
янада оширди. Айниқса, 1942 йил 14 январда вақтли
матбуотда босилган “Мени кутгил”, бир ой ўтиб ёзил-
ган “Смоленск йўлларини эслайсани, Алёша...”, “Агар
сенга ўз уйинг азиз бўлса...” ва бошқа шеърлари жуда
машҳур бўлиб, барча фронт ва армия газеталарида
қайта-қайта босилиб, варақалар тарзида кўп минг нус-
халаб тарқатилган. Минглаб кишиларнинг қалб сўзига
айланган бу шеърлар одамларни жасорат кўрсатишга
ундар, уруш йилларининг оғир машаққатларини мар-
донавор энгиб ўтишга чорларди. Уруш тугаганда К. Си-
монов ўттиз ёшга ҳам тўлмаганди. Япония, АҚШ, Ка-
нада, Хитой, Вьетнам ва бошқа мамлакатларда ижо-
дий сафарларда бўлди. Унинг “Бегона соя” пьесаси
“Дўстлар ва душманлар” шеърлар китоби, “Тириклар
ва ўликлар” трилогияси, “Жануб қиссалари” “Лопатин-
нинг ён дафтари” повести, “Урушсиз йигирма кун”
ва бошқа асарлари кўплаб тилларга таржима қили-
ниб, нуфузли мукофотлар билан тақдирланган. Жум-
ладан, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон сингари атоқ-
ли адибларимиз томонидан К.Симонов асарлари ўзбек
тилига ўғирилган.

МУСА ЖАЛИЛ ЖАСОРАТИ

Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги кунлари, аниқроғи,
1945 йилнинг 23 апрелида Рейхстагга ҳужум қилган 79-
ўқини корпуси жангчилари қамқоқсоннинг баланд ғиш-
ли деворлари ортидаги катта кулранг бинога бости-
риб киришади. Бироқ бино ичидида назоратчилар ҳам,
маҳбуслар ҳам йўқ эди. Шамол ҳовли бўйлаб алла-
қандай қоғозлар ва қоғоз жилдларни тўзғитиб учира-
ди. Жангчилардан бири улар орасидаги бир тутам
қоғозларга алоҳида эътибор қиладди. Унда рус тилида
шундай ёзувлар битилган эди: “Мен, шоир Муса Жа-
лил, Моабит қамқоқсониси тутқуниман. Менга сиёсий
айблар тақалди, эҳтимол тез орада отиб ташлашса ке-
рақ. Агар аскарлардан кимнингдир кўлига ушбу ёзув-
ларим тушиб қолса, мендан ўртоқларимга, юртимда-
ги ёзувчиларга салом етказиб, оиламга бу ҳақда ха-
бар берсин”.

Шундай қилиб, Муса Жалилнинг Ватанига галаба
ҳақидаги мўжза билан бирга унинг ўлими ҳақидаги
ушбу хабар ҳам бориб етади. Шоирнинг ўлим лагери-
даги ҳаётини, жасоратига доир барча ҳолатларни ўрга-
ниш, “Моабит дафтари”ни ўқиб чиқиш учун кўп йил-
лар керак бўлди.

Қатл олдидан шоир ўз шеърларининг тақдири
ҳақида каттик ўйлаган, улар ҳам мен билан бирга йўқ
бўлиб кетадими, дея қайгурган. 1942 йил сентябри-
дан 1943 йил ноябрга қадар ёзилган 125 шеър ва
бир достонни сафдош дўстлари асраб қолдилар. Шу
тариқа “Моабит дафтари” ҳақидаги бутун ҳақиқат дун-
ёга маълум бўлди. Қамқоқсонда битилган шеърлар
дафтарининг бири 1946- й, иккинчиси 1947 йили унинг
ватани — Тотористонга етказилди. Уларни белгия-
лик антифашист Андре Тиммерманс ўзида сақлаб,
ишончли кўларга етказди. “Моабит дафтари” инсо-
ний руҳи билан одамни ларзага соладиган ўлмас кит-
обдир. У буюк жангчининг иродаси ва жасорати
мадҳиясидир. “Моабит дафтари”даги асарлар таниқ-
ли ўзбек шоирлари томонидан таржима қилиниб, шу
номда чоп этилган.

Эндилқда ҳар йили, қахрамон шоир туғилган 15
феврал куни ёстиқкага қўйилган “Моабит дафтари”-
нинг асл нусхаси ҳарбий соқчилар кузатувида қўлё-
малар музейидан олиб чиқилиб, барчага намойиш эти-
лади. Муса Жалил (1906-1945) Қозонда туғилиб ўсган,
бу шаҳарни сеवार ва унга кўплаб шеърлар ҳам бағиш-
лаган эди. 1966 йили шаҳардаги кўчалардан бири
унинг номи билан аталиб, шоир шарафига муҳташам
ҳайкал қўйилди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ
ВА МАДАНИЙ-МАЪРИЙИ ИШЛАР ИЛМИЙ-МЕТОДИК
МАРКАЗИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАВАККАЛ
КОДИРОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА
КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Танлов шу йилнинг 14-15 май кунлари
Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги
маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади.

Танловда иштирок этишни истаганлар
244-51-78, 244-12-04 телефон рақамлари
орқали мурожаат этишлари мумкин.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД

Тахририятга келган кўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайдди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.26

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адиб — 6112 Бунортия Г — 557. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000